

...Бу сафар у Олтиарик туманида яшовчи Гулсанам Юсуповага Фаргона Давлат университетининг география йўналиши бўйича тамомлагани тўғрисидаги калбаки бакалавр дипломини 400 минг сўмга сотди.

7 бет

Ўтказилган тезкор тадбирлар давомида спиртли ичимликларни яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 105 та цехлар фош этилган, улардан 92,7 млн. сўмлик этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ҳамда махсус ус-

12 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 28-yanvar, №04 (681)

Сарҳисоб

Жамиятда қонун устуворлиги, авваламбор, инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самараси билан белгиланади. Ўтган йил республика прокуратура органлари ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар аҳоли тинчлиги ҳамда жамоат тартибини сақлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар биринчи навбатда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қўлаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлди. Шу билан бирга жиний жазоларнинг либераллаштирилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига янада кўпроқ масъулият юклди. Айни кунларда вилоятларда йил давомида амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, келгусидаги вазибалар белгилаб олинмоқда.

лардан бири сифатида белгиланди. Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича айнан прокуратуранинг ташаббуси билан 95 та меҳнат ярмаркалари ташкил қилиниб, 8 минг нафардан ортиқ фуқаро иш билан таъминланган. Бугунги куннинг долзарб масаласига айланган одам савдосига қарши мурасасиз кураш юзасида қабул қилинган қонун ва Президент қарорларининг ижроси юзасидан режа асосида олиб борилаётган мақсадли тадбирлар ўзининг ижобий самарасини берди. Прокуратура органлари томонидан коммунал тўловлар бўйи-



БАРКАМОЛЛИК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Фарзанднинг қомил инсон бўлиб улағиши учун унинг тарбиясини қачондан бошлаш керак? Неча юз йиллардан бери қайта-қайта бериладиган бу саволга доғишмадлар доимо "Бола дунёга келган пайтданок" деб жавоб берадилар.

Дарҳақиқат, тарбия инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Унинг ким бўлиб вояга етишида ана шу омилнинг ўрни беқийсдир. Бу юмушда эса оила муҳим ўрин тутди. Чунки, жамиятимизнинг келажаги ҳисобланмиш болаларимизнинг соғлом, баркамол униб-ўсиши, маънавиятли ҳамда маърифатли бўлишида оиладаги муҳит ва тарбия муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган давлат қурмоқчи эканмиз, ана шу жамиятнинг эгаси бўлиши ёш авлод — болаларимизнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясига буғунданок лозим даражада аҳамият беришимиз шарт. Шу ўринда маърифатпарвар алома Абдулла Авлонийнинг қуйдаги фикрларини келтириш ўринли бўлса керак: "Боланинг саломатлиги ва саодати учун яхши тарбия қилмак - танини пок тутмак, ёш вақтидан маслагини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўстирмақдир. Тарбия қилувчилар табиб қабилидурки, табиб ҳастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳд марказига "яхши хулқ" деган давони ичидан, "поклик" деган давони устидан бериб, катта қилмак лозимдур."

Бундан кўриниб турибдики, боланинг саломатлиги ҳақида қайғуриб, унга яхши хулқни ўргатиш ва ёмон қусурлардан асраш тарбиянинг асосий мақсади ҳисобланар экан. Шунингдек, тарбия беришда ҳам худди врачдек иш қилиш тавсия этилмоқда. Тарбиячи эса биринчи галда ота-она. Фарзанд биринчи галда оилада олган тарбиясига қараб, келажакда ота-онасига раҳмат келтиради ё бунинг акси бўлади.

Юртнинг келажаги ана шу фарзандлар қўлидадир. Қолаверса, Юртбошимиз Ислам Каримов "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деб айтганида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, маънавиятли ва баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида аҳамият бериш лозим эканлигини назарда тутган.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, аввало, ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, 1991 йилнинг 20 ноябрида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги" қонун қабул қилинди. Мазкур қонунни қабул қилишдан асосий мақсад, ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтисоди жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборат эканлиги ҳам бу масаланинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, Бош қонунимиз бўлимиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ёшлар, айниқса, вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Конституциянинг 45-моддасига кўра: "Вояга етмаганлар, меҳнатта лаяқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясидадир" деб қайд этилган бўлса, 41-моддага кўра: "Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади" деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан, фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдидан тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳам белгилаб қўйилган.

Республика прокуратураси органлари ҳам мамлакатимизда ёшларга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар орасидаги жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш борасида муаяян ишларни амалга оширмоқда.

(Давоми 4-бетда)

ҚОНУН КУЧИ — УНИНГ ИЖРОСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида республика қонунийлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2009 йил мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Қорақалпоғистон Республикаси прокурори вазифасини бажарувчи Ж.Наримбетов очди ва олиб борди.

Мажлисида қайд этилдики,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан ўтган 2009 йилда фуқароларнинг ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан жами 2540 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, аниқланган жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 580 та жиноят иши қўзғатилган. Асосий эътибор, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилиб, биринчи даражада тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб борилишини назорат қилиш устувор вазифа-

ча қарздорликни камайтириш, тадбиркорларнинг, хотин-қизлар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, камчиликлар ва ҳал қилиниши керак бўлган вазибалар етарли эканлиги таъкидланди.

Мажлисида соҳаларда янги йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Янгибой БОБОЖАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

* * *

Навоий вилоят прокуратурасида 2009 йилнинг сарҳисоби ва 2010 йилдаги вазибаларга бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳайъат йиғилишида вилоят прокуратураси мақамасининг барча тезкор ходимлари, туман шаҳар ва ихтисослаштирилган прокуратура прокурорлари ва барча тезкор ходимлари, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти вилоят бошқармаси бошлиғи ҳамда бўлим бошлиқлари қатнашдилар.

Мажлиси вилоят прокурори Б.Жамолов олиб борди.

Кун тартибидagi масала - "Навоий вилоят прокуратура органларининг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш,

жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2009 йилдаги фаолияти яқунлари ва келгусидаги вазибалар тўғрисида" вилоят прокурорининг ўринбосари Р.Эшмирзоевнинг ахбороти тингланди.

Таъкидландики, вилоят прокуратураси органлари 2009 йилда ўз фаолиятларида худудда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартибни ишларини бутун қоралар билан мустаҳкамлаш борасида қатъиятлик билан фаолият олиб бордилар. Жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вилоят прокуратураси фаолиятида салмоқли ўрин тутиб келмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик ижобий натижаларга эришишни

таъминлади. Сифат ва самарадорлик фаолиятнинг асосий мезони-га айланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи М.Мирсалихов прокуратура органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тўлов интизоми, қишлоқ ҳўжалиги, суд қарорларининг қонунийлиги, тергов ва суриштирув устидан назорат масалалари ҳақида маъруза қилди.

Ҳайъат йиғилишида кун тартибидagi масала билан боғлиқ амалга оширилган барча ишлар таҳлил этилди. Келгусидаги вазибалар белгилаб олинди ва кўрилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Заври САДИРОВА, Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

* * *

Сурхондарё вилоят прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2009 йилдаги фаолияти яқунлари ва келгусидаги вазибаларни белгилаб олишга бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят прокурори Ғ.Барноев олиб борди. Йиғилишида Бош прокуратуранинг ҳўжалик судларида ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Б.Самуков иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишида 2010 йилда амалга ошириладиган фаолият юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Жамолiddин КУЧИМОВ, Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Олтириқ туманида деҳқон ҳўжалигини юритиш, яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилишида амалдаги қонун ва қонунчи ҳужжатларига риоя қилиниши атрофдаги ўрганлиди. Ушбу жараёнда қўпол қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, туман ҳокимлиги, ер ресурслари ва давлат кадастри, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими, суд ижрочилари туман бўлимининг бир қатор мансабдор шахслари ҳамда Янгиқўрғон қишлоғилик 27 нафар фуқароларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Масъул мансабдор шахслар бевосита хизмат вазибаларини бажаришмаган. Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган туман ҳокимлиги қарори, суднинг ҳал қилув қарори ижросини таъминлашмаган. Ҳокимият ҳаракатсизлиги оқибатида айрим фуқаролар ҳовли-жой қилиш учун заҳира ер, экин майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олишган.

2002 йилда туман ҳокимлиги фуқароларга деҳқон ҳўжалиқларини юритишлари учун 414,9 гектар ер майдонларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган. 2003 йили ушбу қарор виллоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланганда, аризалари ўрганилиб, ҳақиқатда мўхтож деб топилган фуқароларга яқка тартибда уй қуриш учун ер тақсимлаб берила бошланган. 2005 йил бошига қадар 315,5 гектар ер майдонлари мўхтож фуқароларга тарқатилган. 99,4 гектар ер майдонлари эса мўхтож фуқароларга тарқатилмай ҳақли эътирозларини келтириб чиқарган. Туман ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабр кунги 272-сонли қарори билан тасдиқланган

Низомга мувофиқ равишда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш масаласини ҳал қилмай фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказган. Айрим фуқаролар ўзбошимчилик билан ер майдонларини эгаллаб олишлари га йўл қўйишган.

Хусусан, 2006 йили туман ҳокимлиги қарорига асосан туман марказидаги 5-сонли умумтаълим мактабига қўшимча бинолар қуриш учун 5 гектар ер майдони

туман заҳирасига қайтариш тўғрисидаги суд қарори ижрога қаратилган.

2008 йили эса "Ғайрат" қишлоқ фуқаролар йигинида яшовчи 16 нафар аёл "Ўқтам Мурод Азиз" фермер ҳўжалиги тасаруфидоги ер майдонларини ноқонуний эгаллаб олишга уринишган. Улар туман ҳокимлиги, ИИБ ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри ходимлари томонидан қайтарилган. Бу аёллар огоҳлантририлиб, 5 нафари-

нини ғайриқонуний эгаллаб олишган. 2008 йил февраль ойида туман ҳокимлиги ушбу ер майдонини қайтариш, экин эқимлай етказилган 5,1 млн. сўм зарарини ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманларо судига даъво аризасини киритган. Иш қўрилиши жараёнида 7 нафар ўзбошимчи фуқаролар эгаллаб олган ерларини ихтиёрий қайтаришган. Суд даъво аризасини қаноатлантириш, жавобгарлардан зарар-

ҳосил етиштирилмасдан ҳўжалиқларнинг манфаатларига жами 17 миллион 600 минг сўмдан зиёд зарар етказилган.

Текширишда аниқланганидек, томоҳра учун ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олишнинг сабабларидан бири - ҚФЙлари фуқароларнинг аризаларини қонунда белгиланган муддатларда қўриб чиқишмаган ва туман ҳокимлигига ҳулосаларини беришмаган, аризаларнинг муаллифларига эзма жавоб қайтаришмаган. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун талабларини қўпол равишда бузишган.

2009 йилнинг январ ойида 27 нафар ўзбошимчи фуқароларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди. Суднинг 2009 йил 31 март кунги ҳал қилув қарорига мувофиқ ушбу ер майдони фермер ҳўжалигига қайтарилиши лозим эди. Бироқ, туман ҳокимлиги, ермулккадастр хизмати ва суд ижрочилар бўлимининг мансабдор шахслари ушбу қарор ижросини таъминлашмади. Хизмат вазибаларини ало этмаганлиги, ҳокимият ҳаракатсизлиги тартидаги қилмишлари учун уларга, шунингдек, ўзбошимчи фуқароларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, тумандаги ҳокимият илоралари хизмат вазибаларини тўқис ало этиб, фуқароларнинг мурожаатларини қонуний ҳал этиш чораларини қўриб борганларида жиддий қонунбузилишларнинг олди олинари.

Фарҳод ИСМОИЛОВ,
Фаргона виллоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Бехзод ИСМОИЛОВ,
Фаргона виллоят прокуратураси бўлим прокурори

ЎЗБОШИМЧИЛАРНИНГ ТАНОБИ ТОРТИЛДИ

ажратилган. 2007 йили эса туман ҳокимининг қарори билан ушбу ер майдонининг 1,6 гектари подстанция қурилиши учун туман электр тармоқлари идорасига, болаларни соғломлаштириш ва машиини хизмат кўрсатиш биноларини барпо қилиш учун КМК-1 масъулияти чекланган жамиятга олиб берилган. Қолган 3,4 гектар ер майдонининг 1,5 гектарини Олтириқ қишлоқ фуқаролар йигинида яшовчи 27 нафар фуқаро ўзбошимчилик билан эгаллаб олишган.

Туман ҳокимлиги ушбу қонунбузарликни бартаф эйтиш чораларини кўрмаган. 2009 йили туман прокуратураси аралашуви билан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ноябрь ойида Жиноят ишлари бўйича Олтириқ туман судига юборилган. Суд 27 нафар ўзбошимчи ҳуқуқбузарларга жарима жазосини тайинлаган. Улар эгаллаб олган ер майдонларини

га суд жарима жазосини тайинлаган.

Туман ҳокимлиги қошидаги комиссиянинг ҳулосасига биноан Олтириқ қишлоғи, Ҳамза ва Олтириқ шаҳарчасида яшовчи 51 нафар фуқарога Жўрак қишлоғи ҳудудидан томоҳра ажратиш учун ҳужжатларни тайёрлашга киришилган. Бундан норози бўлган жўраклик 15 нафар фуқаро 2009 йил апрель ойида 4,14 гектар ер майдонини ғайриқонуний эгаллаб олишга уринишган. Туман ҳокимлиги ушбу ер майдонини шудгор қилдириб, "Маҳмуд дўхтир Хусанов" фермер ҳўжалиги экин майдонларига қўшиб берган. 15 нафар ўзбошимчиларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилган.

2006 йилнинг март ойида Янгиқўрғон ҚФЙ да яшовчи 13 нафар фуқаро собиқ Охунбобоев номи ширкат ҳўжалигининг 134-контурдаги 2,8 гектар ер майдони

ни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган. Бироқ, Олтириқ суд ижрочилар бўлими ижро варақалари ижросини таъминлашмасдан, асоссиз равишда ижро ҳаракатларини тамомлаган. Бундан "ҳаволанган" 7 нафар ўзбошимчилар ер майдонларини такроран эгаллаб олишган. 13 нафар ҳуқуқбузарларга яна 14 нафар зуравонлар қўшилишган. Жами 4,28 гектар ер майдонига "эга чиқишган".

Туман ҳокимлиги тутатилган ширкат ҳўжалигидан дастлаб "Турсунбой омад барака" фермер ҳўжалиги, фермер ҳўжалиқлари йириклаштирилиши жараёнида "Ўқтам Шарофиддинов барака" фермер ҳўжалиги ихтиёрига топширилган ўзбошимчи фуқаролар эгаллаб олган 4,28 гектар ер майдонини ҳам пахта ва дон етиштириб топширилишига оид котракция шартномаларига тиржаб қўйверган. Уч йил мобайнида ушбу ер майдонида

ЎЗ ИШИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Сурхондарё виллоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, фуқаро Б.Оқбоевнинг виллоят электр тармоқлари очик турдаги акциядорлик жамияти томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги аризаси виллоят прокуратураси томонидан ўрганилди. Аниқланишича, Б.Оқбоев Шеробод туман электр тармоқлари корхонасида назоратчи вазибаларда ишлаб келиб, электр тармоқлари очик турдаги акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2009 йил 22 майдаги 668-а сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 97-моддаси тартибда эгаллаб турган вазибалардан озод этилган.

Ўрганиш давомида, ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99 ва 108-моддаларига зид равишда чиқарилганлиги аниқланиб, 2009 йил 17 августда мазкур буйруқни бекор қилиш юзасидан протест келтирилиб, қонунга мувофиқлаштирилган.

Хозирги кунда ушбу буйруқ бекор қилиниб, фуқаро Б.Оқбоев ўз вазибаларига қайта тикланган.

Шунингдек, фуқаро Ж.Соҳибназаровнинг Ўзбекистон Республикаси кузи оғиллар жамияти Сароисеё ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан уни ва турмуш ўртоғи С.Соҳибназароваларни асоссиз равишда ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги аризаси ҳам ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси кузи оғиллар жамияти Сароисеё ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси билан Ж.Соҳибназаров ва С.Соҳибназаровлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси корхона раҳбарининг 2009 йил 9 сентябрдаги 9-сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди ва 101-моддаси асосида корхона касеба уюшмасининг олдидан розилиги олинмасдан ғайриқонуний тарзда бекор қилинган.

Виллоят прокуратураси томонидан Ж.Соҳибназаров ва С.Соҳибназаровлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги мазкур буйруққа протест келтирилиб, қонунга мувофиқлаштирилган.

Хозирги кунда, фуқаролар Ж.Соҳибназаров ва С.Соҳибназаровлар ўз вазибаларига ишлашмоқда.

М.МАМАТУРОВА,

Сурхондарё виллоят прокуратураси катта ёрдамчиси

"КЕЛИНГ, ЕР БЕРАМАН!"

Нуробод туман бош архитектори Рамазон Файзиев ўз вазибаларига аниқ йиллардан буён ишлаб келарди. Шунинг учун у ўз ишининг "баланд-пасти"ни аниқ ўзлаштириб олганлардан. Шу йилнинг бошларида унинг ҳўзурига Гулмирот Иргован келиб, ўзи ва қариндошларига 3-4 та ер участкаси сўради.

— Ер аукцион савдосларига қўйилди. Ким ошди савдосида ким голиб чиқса, ер ўшага берилади, — деди бош архитектор. — Ер олмоқчи бўлсангиз ҳужжатларингизни тўғрिलाб келавинг.

— Харажати қандай бўлади? — мақсадга кўчида.

— Харажати ўзига яраша, ҳар бир ер участкаси учун тахминан 50 минг сўм атрофида бўлади, чунки юқоридан келадиган комиссияга чой-пой дегандек... — деди бош архитектор.

— Ундай бўлса, мен ҳужжатларни тахлаб келаверай, бу ёғини кейин гаплашамиз, — дея Гулмирот туман бош архитектори билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Шу тариқа Гулмирот Р.Файзиев билан икки-уч марта учрашган, унга 300 минг сўм пул келтириб берди. Гулмирот:

— Пуллари аукцион савдослари бўлаётган вақтда ўзим тўлаб қўяман, — деб олди-ю, пулни ўз эҳтиёжларига ишлайтиб юборди.

Орадан кўп вақт ўтмай, яна Гулмирот бир киши билан Р.Файзиевнинг ҳўзурига келди.

— Ер олмоқчи бўлганлардан биттаси мана шу йигит, — деб қариндоши Ғайрат Бердиевни таништирди у.

Шу кунга ҳам бош архитектор йигитларга ҳужжатларни тўғрिलाши ва унга кетадиган харажат

суммасини айтди.

— Харажати 300 минг бўлади, — деди қатий.

Улар:

— Мақсатлашиб кўрайлик, — деб чиқиб кетишди.

Бош архитекторнинг таъмағирлиги ўз ёёғига болта урди. У билан ер тўғрисида гаплашган йигитлар ҳуқуқни муҳофазда қилувчи органга ариза билан мурожаат этишди. Ўтказилган тезкор талбир давомида туман бош архитектори Р.Файзиев жиноят устида ушланди.

Кейинги пушаймон ўзингга душман, деганлари руст. Суд ҳўқми билан Рамазон Файзиев 8 йилу 6 ойи муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг сўнгсиз пушаймонлари инобатга олинмади.

Жаҳонгир БОЗОРОВ,

Самарқанд виллоят прокуратураси бўлим прокурори

Маълумки, чорвачилик соҳаси мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигининг мўхим тармоқларидан бири саналади. Томди туман прокуратураси томонидан чорвачилик соҳасига доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда ширкат ҳўжалиқлари моддий ва мансабдор шахслари томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартаф эйтиш юзасидан прокурор назорати ҳўжжатлари қўлланилди. Шунингдек, жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги таъминланди.

ЧОРВАГА ЗАРАР ЕТКАЗГАНЛАР

Жумладан, "Аяққудуқ" ширкат ҳўжалиги бош қўполлари ҳўжалиқнинг умумий баҳоси 572 млн. 790 минг сўмлик, жами 15 минг 158 бош майда шохли, 16 бош йирик шохли молларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-тороқ қилиб юборишган. Бу ҳам етмагандек, мулкни қўриқлашга виждонсизларча муносабатда бўлишлари оқибатида қўпол чорва молларининг ноубуд бўлишига ҳам йўл қўйишган. Мазкур ҳолатлар юзасидан бош қўполлар ва мансабдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан 6 та жиноят иши қўзғатилди. Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида 19 нафар бош қўпол ва ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси ҳамда бошқа мансабдор шахсларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан айблов эълон қилинди. Дастлабки тергов давомида етказилган зарарнинг 272 млн. 55 минг сўми ундирилиб, зарарини қоплаш мақсадида айбланувчиларнинг 35 млн. 785 минг сўмлик мол-мулклари хатланди.

Хизмат вазибаларига кўра, ширкат ҳўжалигининг мутасаддилари ҳар ойда бош қўполлар жавобгарлигидоги чорва молларини санақдан ўтказиб, уларнинг талон-тороқ қилинишининг олдини олиш чораларини қўришлари лозим эди. Аммо ширкат ҳўжалигининг собиқ бошқаруви раиси М.Сидиқов, "Турлибай" фермаси мудир П.Бекмурзаев, "Ереш" фермаси мудир К.Базарбаев ва "Алдаберген" фермаси мудир Ж.Аҳмедовлар мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, жиноий бепарволиклари, ишчи-ходимларнинг иш фаолияти устидан назоратни сусайтириб юборганликлари натижада ширкат ҳўжалиги манфаатларига жуда кўп мўлдор зарар етказилишига сабабчи бўлганлар.

Туман прокуратураси томонидан "Аяққудуқ" ширкат ҳўжалиги собиқ бошқаруви раиси М.Сидиқов, "Турлибай" ва "Алдаберген" фермалари мудирларини депутатликдан чакриб олиш масаласини ҳал қилиш учун ҳалқ депутатлари туман Кенгашига тақдимнома киритилиб, тақдимнома қаноатлантирилди.

Кўриниб турибдики, ширкат ҳўжалиги раҳбарларининг лоқайликлари, масъул, мансабдор ва моддий жавобгар шахс ҳўсболан ҳодимларнинг фаолияти устидан назоратнинг сусайтириб юборилганлиги баён қилинган қонунбузилиш ҳолатлари келиб чиқишига замин яратди.

Ибодулло ЖУМАЕВ,
Томди туман прокурори ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида барча учун виждон эркинлиги, ҳар бир шахсининг хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган. Асосий Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида диний ақидаларни мажбурий тарқатишга йўл қўйилмайди.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, унга кўра виждон

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидаларастлик голяри билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айб-

ро терроризмга қарши кураш, диний экстремистик оқимларнинг республика ҳудудларида турли бузғунчи мазмундаги диний адабиётлар, аудио ва видеодискларни тарқатиш, терроризмни молиялаштиришга уринишларининг олдини олишга қаратилган қатор битимлар, конвенциялар имзоланган, қонунлар қабул қилинган. Жиноят қонунинида терроризм,

га йўл йўқ", "Огоҳ ва ҳушёр бўлайлик". "Ёшлар диний экстремизмга қарши" мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири вилоят ёшлар марказида туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари мудирларининг ҳамда умумтаълим ўрта мактаб директорларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари, вилоят ва

диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш мавзуларида маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар республикамиз мустақиллигини асраш, тинчлик ва фаровонлигини таъминлаш учун курашни, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов олиб бораётган изчил сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бирдам бўлиб, огоҳликни қўлдан бер-

Ёшлар ўртасидаги соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор.

ИСЛОМ КАРИМОВ

ЁШЛАРНИ АСРАЙЛИК!

эркинлиги деганда, қонунга риоя қилган ҳолда ҳар қандай динга эркин эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга умуман эътиқод қилмаслик, диний, диний бўлмаган ёки бошқа эътиқодларни танлаш, уларга эътиқод қилиш, уларни тарғиб этиш тушунилади.

Фуқаро ўзининг динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишга, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Воёга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга таъйин қилинган қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан таъқиқланади. Шунингдек, мамлакатимизда таълим тизими диндан ажратилган бўлиб, таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

дор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматдагилар ва фуқаролар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 184-моддасида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадига сақлаш, 184-1-моддасида фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши, 184-2-моддасида диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш, 184-3-моддасида эса миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш учун маъмурий жазолар белгиланган.

Ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддасини олайлик. Унда виждон эркинлигини бузиш, яъни диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш, воёга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек, уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш, баданига енгил ёки ўрточа оғир шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда диний маросимлар ўтказишни ташкил этганлик учун жиноий жазо белгиланган.

Диний экстремизмга ва халқа-

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига таъвоуз қилиш, жиноий уюшма ташкил этиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш, оммавий тартибсизлик, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа таъқиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш, диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш жиноятларини содир қилган шахсларга нисбатан энг оғир турдаги жиноий жазо чоралари белгиланган. Қонуннинг бу каби норма ва талабларини ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларимиз билиб олишлари, уларга қатъий амал қилишлари лозим. Асосийси, ҳар биримиз қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларимизга риоя этишга масъул-миз.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунга қатъий амал қилиш, диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш юзасидан Қарши шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ва ички ишлар бўлими ҳамкорлигида аҳолининг яшаш ва иш жойларида, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицейи ва умумтаълим ўрта мактабларида давра суҳбатлари, учрашув ва йиғилишлар ўтказилиб, "Терроризм-

шаҳар халқ таълими бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институти ходимлари иштирокида ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида эса Қарши санъат коллежиди диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш бўйича талабалар билан учрашув ташкил этилди.


Анжуман ҳамда талабалар билан учрашувда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонундан келиб чиқадиган вазифалар, Ўзбекистонда диний экстремизмнинг кўринишлари ва унинг салбий оқибатлари,

маслик тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Юртимиз келажаги фарзандларимиз қўлида. Уларни ҳар қандай зарарли диний оқимлар таъсиридан асраш барчамизнинг бурчимиз саналади. Фарзандларимиз юрагига она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, уларни миллий илдириши бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етиштишига ҳаракат қилишимиз лозим.

А. АСАМОВ

Қарши шаҳар прокурори



Республикамизда олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилапти. Жумладан, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг рафиқация қилинган илк халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция бўлди. 1992 йилда Конвенцияга қўшилгач, Ўзбекистон бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олган бўлса, 2008 йил 8 январда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

ҳақидаги" 19-сонли буйруғи қабул қилинганидан сўнг, унинг ижросини таъминлаш мақсадига вилоят ИИБ томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг 2008 йил июль ойидаги тегишли қарорига асосан, Навоий шаҳар Халқлар Дўстлиги кўчаси 44-а-уйда жойлашган "Бизнес мактаб"нинг фойдаланилмай турган 2 қаватли биноси вилоят ИИБ тасарруфида "Воёга етмаганларга ижтимоий

Бугунги кунда марказга ташлаб кетилган, адашиб ёки қаровисиз қолганлар, оиласидан ўзбошимчилик билан кетиб қолганлар, болалар ва ўсимирлар махсус тарбия, даволаш-тарбиялаш муассасаларига юбориладиганлар ҳамда у ерлардан ўзбошимчилик билан кетиб қолганлар қабул қилинмоқда.

Марказда воёга етмаган шахсини суднинг махсус ўқув-тарбия муассасасига юбориш тўғрисидаги қарори бажарилишини таъминлаш учун барча зарур ҳуж-

Воёга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши маркази ишга тушди

Қонуннинг асосий мақсади бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самардорлигини оширишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, юрт келажаги ёшлар қўлида. Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоиздан ошганини воёга етмаган ёшлар ташкил қилгани боис, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, соғлом ҳамда баркамол бўлиб воёга етишларини таъминлаш борасида муҳим қонунлардан ташқари кенг кўламли давлат дастурлари ҳам амалга татбиқ этилмоқда.

Масалан, шу кунга қадар давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига муҳтож бўлган уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган воёга етмаганларни вақтинча сақлаш, уларни оилаларига қайтариш, меҳрибонлик уйларида ёхуд махсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш чораларини амалга оширувчи "Воёга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши маркази" Навоий вилоятида мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2008 йил июнь ойидаги "Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ИИБлари тасарруфида "Воёга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши марказлари"ни ташкил этиш

ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши маркази" ташкил этиш учун ажратилди.

Марказ биноси вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, вилоят ИИБ ташаббуси билан ҳамда "Қизилқумcement" ОАЖ ва Навоий кон металлургия компанияси томонидан кўрсатилган ҳомийлик ёрдами асосида тўлиқ таъмирланиб, жиҳозлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг ўн етти йиллиги байрамини нишонлаш арафасида, яъни 2009 йилнинг 2 декабрь куни вилоятда "Воёга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши маркази"нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Марказ жорий йилнинг 1 январидан ўз фаолиятини бошлади.

жатлар расмийлаштирилиб, тегишли вазирликнинг йўлланмаси олинганга қадар, кўпи билан 30 кунгача бўлган муддат сақланади. Алоҳида ҳолларда эса, воёга етмаган шахсини марказда амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда сақлаб туриш муддати тегишли ҳокимликлар ҳузурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ҳудудий прокурорлар билан келишилган қарорига кўра 15 кун муддатга узайтирилиши мумкин.

Бугунги кунда Марказда воёга етмаганларга малакали ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб келинмоқда.

Алишер ТЕСАЕВ,
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

2010 йил — Баркамол авлод йили

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)
Жумладан, Тошкент вилояти прокуратураси органлари томонидан 2009 йилда воёга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида 377 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 768 та тақдимнома киритилди. Мансабдор шахсларнинг 1891 нафари интизомий, 676 нафари маъмурий, 228 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. 1705 нафар мансабдор шахс қонунбузилишга йўл қўймаслик ҳусусида огоҳлантирилди. Кўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 28 та жиноят ишлари кўзга тилиб, айбдор шахс-

ларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги таъминланди.

Воёга етмаганлар ва давлат манфаатларига етказилган 12495 минг сўмлик зарарлар ихтиёрли ундирилиб, судларга 10355 минг сўмини ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди.

Юқорида бола тарбиясига биринчи галда ота-оналар масъул дея таъкидлаган эдик. Шу боис, судларга ички ишлар бўлимида ҳисобда турувчи фарзандлари тарбиясига спиртли ичимликларга ружу қўйиш ёки гиёҳвандлик туфайли салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналардан 65 нафарини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, 4 нафарининг шундай ҳуқуқлари-

ни чеклаш ва 1 нафарининг муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида даъво аризалари киритилди. Фарзандлари тарбияси билан доим даражада шугулланмаган 268 нафар ота-она эса Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддаси билан моддий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари томонидан ички ишлар бўлимида вилоятга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш нозирликларининг ҳамда ҳар чоракда ҳокимликлар ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг иш фаолиятлари юзасидан текширишлар ўтказилиб, аниқлан-

ган қонунбузилишларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Шунингдек, воёга етмаганларга нисбатан жиноят ишларининг тергов қилиниши жараёни устидан назоратнинг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида эҳтиёт чораларини нотўғри қўллаш ҳамда ноқонуний қамоққа олиш ҳолатларига йўл қўйилмади. Шу боис, жиноят ишлари юзасидан олиб борилаётган дастлабки тергов ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва бошқа қонунлар талабларига риоя қилиниши устидан прокурорлик назоратини таъминлаш мақсадида 286 та ёзма кўрсатмалар берилди. Уларга нисбатан судларда жино-

3 та жиноят иши қўзғатилиб, воёга етмаганларнинг манфаатини кўзлаб, судларга 16 та даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг фаолиятини устидан ҳам доимий назорат ўрнатилган бўлиб, биринчи навбатда қаровсиз қолган воёга етмаганларнинг марказга олиб келиниш сабаблари ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Туман ва шаҳар прокуратуралари томонидан бу ишга масъул идоралар фаолиятларининг мувофиқлаштирилиши натижасида воёга етмаганларнинг қаровсиз ҳамда назоратсиз қоли-

БАРКАМОЛЛИК САРИ



ят ишларининг кўрилишида ҳам прокурор иштироки тўлиқ таъминланмоқда.

Маълумки, воёга етмаганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тошкент вилоятида ҳам 2009 йил мобайнида воёга етмаганларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги қонунлар ижроси юзасидан прокурор назоратини кучайтириш мақсадида бирмунча ишлар амалга оширилди. Ҳусусан, воёга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида мутасадди идораларга 83 та тақдимнома киритилган. 139 нафар шахс интизомий, 76 нафари маъмурий ва 43 нафари моддий жавобгарликка тортилди.

шнинг сезилари даражада қамқайишига эришилди. Масалан, 2008 йилда қаровсиз ва назоратсиз қолган воёга етмаганларнинг 415 нафари ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 318 нафарни ташкил этди.

Воёга етмаганларнинг етарли даражада таълим-тарбия олишлари билан бир қаторда саломатликлари борасида қайғуриш ҳам ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Қолаверса, "Соғлом танда соғ ақл" дея бежиз айтилмаган. Вилоят прокуратураси органлари томонидан воёга етмаганларнинг соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича те-

Мустақилликнинг ilk йилларидаёқ мамлакатимизда болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида қатор қонунлар, норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Болалар манфаатини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, маънавий баркамол, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаб, воёга етказиш масаласига долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ҳам давлатимизнинг ёшлар камолотига бўлган ғамхўрлиги ва эътиборининг яна бир далили, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг узвий давомидир.

Дарҳақиқат, бузунги кунда ёш авлодга қанчалик ғамхўрлик қилсак, уларнинг таълим-тарбиясига қанчалик эътибор берсак, буларнинг барчаси келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

АВЛОДЛАР ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

Бу борада Гурлан туман прокуратураси томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туман аҳолисининг 48.5 минг нафари воёга етмаганлар бўлиб, шундан 483 нафарини ногирон болалар ташкил этди.

Туманда 7 та ўрта махсус ўқув юрлари, 1 та мактаб-интернат, 3 та ихтисослаштирилган мактаб, 39 та умумтаълим мактаб ва 36 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, ўтган йили прокуратура ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳамкорлигида туман марказида 50 ўринга, иккинчиси 140 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси ҳам ҳомийлар маблағи эвазига капитал таъмирланиб, ишга туширилди.

Туман прокуратураси биносига воёга етмаганлар билан ишлаш хонаси ташкил қилиниб, туманда мавжуд бўлган мактаб, мактабгача таълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллежларининг таҳлили кўрсаткичлари юритилиб, воёга етмаганларнинг таълим-тарбиясига оид йўзма жиддлар, шунингдек, фотоальбом ташкил қилинган ва комиссия аъзолари ҳақида тегишли таълим муассасаларига тарқатилган.

Бугунги кунда тумандаги "Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази" қайтадан тўлиқ таъмирланиб, бу ерга 885 нафар бола жалб этилган. Уларнинг 96 нафарини ижтимоий ҳимояга муҳтож, қишлоқ жойларида яшовчи, жисмоний ривожланишида нуқсон бўлган болалар, 6 нафарини эса уйда таълим олаётган ўқувчилар ташкил қилади. Улар марказдаги фан, техника, санъат, спорт, шахмат-шашка, тикиш-бичиш, рассомчилик, хунармандчилик ва фан тўғралакларига жалб қилинган.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан воёга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактика қилиш борасида ҳам ишлар ташкил қилиниб, 2009 йилда воёга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан 26 та текшириш ўтказилган. Ноқонуний қарорларни бекор қилиш тўғрисида киритилган 4 та протест қаноатлантирилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 48 та тақдимнома киритилиб, 55 нафар шахс қонунбузилиши-

га йўл қўймаслиги ҳусусида расмий равишда огоҳлантирилиб, 70 нафар шахс интизомий, 65 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Ҳуқуқбузарлар томонидан давлатга етказилган 1258.0 минг сўм миқдоридagi зарар ихтиёрли равишда ундирилиб, ижтимоий ҳимояга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра 8 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Бундан ташқари, Республика Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги "Воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати

ка муҳтож, кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларнинг болаларига ўз вақтида ёрдам берилиши доимий назоратга олинган.

Ҳусусан, туман прокуратураси томонидан ҳомийлар маблағлари эвазига кам таъминланган оилаларнинг 50 нафардан ортиқ фарзандлари қишқи кийим-кечаклар билан, 3 нафар воёга етмаган ногиронлик аравачаси, 3 нафари эса протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди. Иш сўраб мурожаат қилган 2 нафар воёга етмаган ишга жойлаштирилди.

фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 27-сонли буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда, туман ИИБ ВЕОХООГда воёга етмаганларнинг олиб келинишининг қонунийлиги, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларини кўриш ҳамда профилактика хизматининг самаралорлиги ҳар чоракда бир мартаба таъкирлиб, натижасига кўра 4 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Шу билан бирга туман прокуратураси томонидан, ҳокимлик ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги 360-сонли қарори ижросини назорат қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ҳар чоракда бир мартаба таъкирлиб, натижасига кўра 4 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Шу билан бирга, воёга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига доир қонунлар ижроси юзасидан ижтимоий кўмак-

Олиб борилаётган мана шундай чора-тадбирлар билан бир қаторда ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, воёга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссия ва инспекциялар фаолиятининг самаралорлиги ҳамда масъулиятини ошириш, воёга етмаганларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, маънавий ва маърифий ишлар кўламини янада оширишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда эса, аҳоли-мизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган воёга етмаганлар олдига турган муаммоларни ечиш, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура ҳодимлари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Бу масалалар нафақат прокуратура ҳодимлари, балки бутун жамоатчиликнинг диққат марказида туриши шарт. Ана шундангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ҳикматилла АБДУЛЛАЕВ,
Гурлан туман прокурори
Мирзабек ЖАПАҚОВ,
журналист

гишли идораларга 24 та тақдимнома киритилди. 166 нафар шахс интизомий, 645 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 216 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймастик хусусида огоҳлантирилди.

Вилоятда бугунги кунда 888 та умумтаълим мактаблари, 120 та касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, 489 та мактабгача ва 40 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Ходимларимиз томонидан таълим муассасаларида таълим тўғрисида, давлат мулкнинг сақланиши ва мазкур тизимга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши каби ҳолатлар ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича мутасадди шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тор-

вояга етмаганлар ҳамда умумтаълим мактаблари, коллежлар ва олий ўқув юр்தларини битирган, лекин айна пайтда ишламаётган ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида ҳар ойда меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда.

Чунончи, 2009 йилда вилоят бўйича жами 135 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилган бўлиб, уларда 3006 та корхона ва ташкилотлар 23056 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Ушбу тадбирларга жами 16195 нафар ёшлар, шу жумладан, 610 нафар вояга етмаганлар жалб қилиниб, улардан 5294 нафар шахс ишга жойлаштириш учун йўланмалар олган бўлса, шулардан 4313 нафари ишга жойлашди. 9672 нафарига эса керакли маслаҳатлар берилди.

Юқорида вилоят бўйича 40 та мактабдан ташқари таълим

лари бўйича комиссияси, "Қамолот" ЕИХ, ИИБ ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қарованлик ва назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ОИТС, терроризм, диний экстремизм каби салбий иллатларнинг олдини олиш борасидаги зарур чора-тадбирлар қўшма дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, вилоят ҳудудида вояга етмаганлар орасида терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилмади.

Умуман олганда эса, олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва тадбирлар натижасида вилоятда вояга етмаганлар орасида жиноят-

нинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида юртбошимиз Ислам Каримов 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилган, жумладан, шундай деган эди: "...Авалло, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмастик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде нима турлади?"

Бу саволга ҳаммамас, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи турлади, деб жавоб берамиз.

Ҳақиқатан ҳам ҳаётимизнинг маъно-мазмунини шунда эмасми? Шундай экан, Президентимизнинг "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойишида айтилиндек, давлат ва жамият томонидан ёш оилаларга ғамўхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимосини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг

муҳим ҳамда ҳал қилувчи бўғини бўлган, фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган соғлом ҳамда мустақкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш асосий мақсадимиздир.

Қолаверса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан "оммавий маданият"нинг турли иллатлари ҳавфига ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этиш, бир томондан, ёшлар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар гуёламини янада кенгайтирса, иккинчи томондан, сизу биздан, ўз фаолиятимизга бундан-да масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Зеро, барча саъй-ҳаракатларимизнинг негизиде фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, энг асосийи эса, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи турибди.

Бахтиёр ХОДЖАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

ЯНГИ ҚАДАМ

тилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 18 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг қонун олидаги жавобгарлиги таъминланди. Дастлабки тергов давомида таълим муассасаларида етказилган 9654 минг сўмлик зарарлар ихтиёрий равишда ундирилди.

Вояга етмаганларнинг бандлиги масаласи ҳам вилоят прокуратурасининг органлари томонидан доимий равишда назорат қилинмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоят бўйича бандликка қўмлашувчи марказларга 159 нафар вояга етмаган мурожаат этган бўлиб, уларнинг 85 нафари ишга жойлаштирилди. 56 нафарига эса керакли маслаҳатлар берилди. Шунингдек, вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан барча туман ва шаҳар прокурорлари томонидан меҳнатга лаёқатли

муассасалари фаолият юритаётган ҳақида айтиб ўтган эдик. Уларнинг 25 таси ёшлар ижодиёт марказлари, 11 таси техник марказлар, 3 таси "Биоокосан" маркази ва биттаси ёш сайёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази бўлиб, айна пайтда бу ерда 8 йўналиш бўйича 32406 нафар ўқувчи мактабдан бўш вақтини самарали ўтказмоқда. Вилоят прокуратураси ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан таълим муассасалари ва мактабдан ташқари клублар, тўғарақлар, секциялар ва шу тоифадаги муассасаларга қарашли бинолардан 18 таси таъмирлаб берилди. 5 таси янги замонавий биноларга кўчирилиб, биттаси эса янги қуриб берилди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иш-

чилик 2008 йилга нисбатан 2,1 фоизга камайди. Бироқ, бу кўрсаткич хотиржамликка асос бўла олмайди. Ҳали олдинда қилинадиган ишлар бисёр.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган

ларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, уларга суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

— **Мамлакатимизда жорий йилнинг "Баркамол авлод йили" деб номланишида катта маъно бор. Баркамол авлодни тарбиялашда нималарга эътибор қаратиш керак деб ўйлайсиз?**

— Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган барча эзгу ишлар баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган. Айнқса, жорий йилнинг "Баркамол авлод йили" дея эълон қилинганлиги ва шу асосда махсус Давлат дасту-

тарини тарғиб қилиш мақсадида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" каби спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Унда туманимиз ёшлари ҳам муносиб иштирок этаётганини фахр билан таъкидлаш жоиз. Хусусан, "Умид ниҳоллари" мусобақасининг 3-босқичида 7 нафар ўқувчимиз сингил атлетика бўйича 1-ўринни ўтқалашди. Улар мусобақанинг Сирдарё вилоятида ўтказилган Республика босқичида ҳам муносиб иштирок этишди.

Умуман олганда эса, туманимизда 61 та спорт зали,



— **Савит Газарбосиич, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланган 2009 йил ҳам ортда қолди. Туман прокуратурасининг ўтган йилги фаолиятини қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон — ажойиб ўлка. Ҳар фасл ўз тароватини ўзгача намоён қилади. Бог-роғларда, дала-даштларда, шаҳару қишлоқларда киш ҳукм сурётган шу кунларда ўтган бир йиллик ҳаётимиз кўз ўнгимиздан ўтади. Мамлакатимиз бўйлаб эса, айнқса, ўтган 2009 йилда амалга оширилган ишлар қўламини қишлоқларимизга ҳеч бўлма-

ОРЗУ ЎЗ-ЎЗИДАН АМАЛГА ОШМАЙДИ

Эликқалъа туман прокурори С.ИМАТОВ билан суҳбат

ганда бир бор ташриф буюрган киши яққол ҳис қилиши мумкин. Биргина Эликқалъа тумани мисолида айтадиган бўлсак, намунавий режа асосида 20 та уй-жой қурилди. 7 та қишлоқ врачлик пунктлари таъмирланди. Туман марказини қишлоқ ва овуллар билан боғлайдиган 11,1 километр йўл таъмирланиб, 3 та автобус йўналиши ишга туширилди.

Туман прокуратурасининг фаолиятига тўхталадиган бўлсак, ўтган йили фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 43 та текшириш ўтказилиб, натижасида кўра 520 та прокурор назорати ҳужжатлари қўланилди. Судларга 13 млн. 790 минг сўмлик 39 та даъво аризаси киритилиб, 3 млн. 984 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда қоплатирилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 9 та жиноят иши қўзғатилди.

Биргина мисол. Беруний туманида яшовчи, 1990 йилда туғилган Қумуштой Тоирова 2005 йилнинг 1 августда Эликқалъа тиббиёт коллежида ўқишга кириш учун ариза ёзиб, ҳужжатларини топширган. Коллежда ўқитувчи бўлиб ишловчи О.Беканов 150 минг сўм эвазига ўқишга киритишни ваъда қилиб, унинг ўқишга кирганлиги ҳақида буйруқ чиқмаган бўлса-да, 100 минг сўм пулини олган. Коллеж директори О.Юлдашев эса, К.Тоировага диплом ёзиб бериш эвазига онаси Г.Тоировадан 200 минг сўм олган, аммо дипломини бермаган. Натижада К.Тоирова ўч йил бойбониде дарсларга бекор қатнаган. Ушбу ҳолат юзасидан коллежининг мансабдор шахс-

турининг қабул қилинаётганлиги, келгусида бажариладиган ишларимиз қўламини янада кенгайтиради.

Хусусан, келажагимиз эгалари бўлган ёшлар учун бундан ҳам яхшироқ шарт-шароитлар яратилди. Замонавий жиҳозларга эга бўлган мактаб, лицей ва коллежлар қурилиб, истироҳат боғлари, дам олиш оромгоҳлари ҳамда спорт иншоотлари барпо этилди.

Бу йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши эл-юрт тақдирига бефарқ бўлмаган барча ватандошларимизни бирдек хурсанд қилди. Баркамол авлод тушунчаси гонг кенг бўлиб, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан қомил, зукко, жумладан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган, шижоатли, энг асосийи эса, қонунларга итоаткор шахс бўлиб вояга етишини ўз ичига олади. Зеро, қонун ҳар нарсадан устун бўлган давлат ва жамиятнинг келажаги порлоқдир.

Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизда қонун-қондалардан бир қадам четта чиқмаслигимиз, бу борада ёшларга ўрнак бўлишимиз даркор.

— **Ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда спортнинг ўрни катта. Туманда вояга етмаганларни оммавий равишда спортга жалб этиш имконияти қандай?**

— Маълумки, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида спорт муҳим ўрин тутди. Яна бир жиҳати, спорт соғлиқ гаровидир. Шуларни ҳисобга олиб, ўқувчи ва талабаларимиз ўртасида спортни оммавийлаштириш, соғлом турмуш

138 та спорт майдончаси бор. Таълим муассасалари қошида спортнинг 12 та тури бўйича 228 та тўғарақ ишлаётган бўлиб, 215 нафар малакали мураббий 29370 нафар ёшларга сабоқ бермоқда.

"Баркамол авлод йили"да саховатли юртдошларимиз, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Спортга ошно ёшлар ҳеч қачон жиноят кўчасига кирмайди. Аммо ҳаммани ҳам 100 фоиз спортга жалб қилишнинг имкони йўқ. Шундан келиб чиқиб, жойлардаги меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказишни рақамлаштирганмиз. Ўтган йили ана шундай ярмаркалардан 7 таси ўтказилиб, 321 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтинини мазмунли ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ахир, ҳаёт инсонга бир марта берилади. Уни қандай ўтказиш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Кимди яратилган шароитдан унумли фойдалана, пухта билим олади. Касб-хунар эгалда, элига фойдаси етгадиган инсон бўлиб етишади. Яна кимдир эса бу имкониятнинг қадрига етмайди. Бундайларнинг келажаси ҳам шунга яраша бўлади. Демокриманки, ёшлик катта имконият. У келажакка пойдевор қўйилмайдиган палла. Фарзандларимиз буни чуқур англаб етишлари керак. Энг биринчи ҳаракат, интилиш аввало, ёшларнинг ўзидан бўлмоғи шарт.

"Нуқид" мухбири Нуриддин ОКНАЗАРОВ суҳбатлашди



Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш, шу соҳадаги қонунчиликни тартибга солиш ва такомиллаштиришга тизимли ёндашиш бугунги кун талабидир. Жумладан, қimmatли қoғoзлар бoзo-

роитлари билан чамбарчас бўлиши, қimmatли қoғoзлар бoзoрида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид кескин чoра-тaдбиpлар белгилаш, инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш каби қimmatли қoғoзлар бoзoрини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос бўлишини тақoзо этади.

Зeрo, қimmatли қoғoзлар бoзoрида амалга ошириладиган иcлoхoтлар мамлакат иқтисодиётини

ҳам топишини таъминлайди.

Албатта, Қонуннинг амалиётга тaтбиқ этилиши, ўз навбатида бир қaтoр қoғoзларга ҳам ўзгaртиш ва қўшимчалар киритишни тақoзо этди. Мaълумки, 2009 йилнинг 10 сентябpида мaтбуoтда "Ўзбекистон Республикасининг "Қimmatли қoғoзлар бoзoри тўғpисида"ги Қoғoз қабул қилиниши мунoсабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қoғoз ҳужжатларига ўзгaртишлар киритиш

ти "Тижoрат банкларининг инвестиция лoйиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ мuddaтли кредитлари улушини қўлайитиришни рағбатлантириш бoрасидаги қўшимча чoра-тaдбиpлар тўғpисида"ги ПҚ-1166-сонли Қарорининг 6-бaндига асосан киритилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари уюшмаси ва тижoрат банкларининг, банкларнинг узоқ мuddaтли ресурс бa-

матли қoғoзларни чиқаришлари мумкин. Бунда қўшимча қimmatли қoғoзларни чиқаришда, "Қimmatли қoғoзлар бoзoри тўғpисида"ги Қонуннинг 49-мoддасига янги киритилган ушбу нормага асосан, тижoрат банкларига нисбатан чекловлар қўлланилмайди.

Шунингдек, Қонуннинг 49-мoддасига киритилган чекловлар тариқасида қўшимча равишда эмиссиявий қimmatли қoғoзларни oммавий жойлаштиришда ва

ҚИММАТЛИ ҚOҒOЗЛАР БOЗOРИ

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

рини янада ривожлантириш, унинг ошкoralиги ва барқарор фаолиятини таъминлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тaтбиқ этиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва акциядорлик жамиятларида бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги "Қimmatли қoғoзлар бoзoрини янада ривожлантириш чoра-тaдбиpлари тўғpисида"ги 475-сонли Қарорига ушбу соҳада оид чoра-тaдбиpлар дастури ўз аксини топган. Унда белгилаган чoра-тaдбиpларнинг мазмун-моҳияти корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва янги акциядорлик жамиятлари тузиш ҳисoбига қimmatли қoғoзлар бирламчи ва иккiламчи бoзoрларини янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш, фонд бoзoрининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби баъзилардан иборатдир. Албатта, мазкур чoра-тaдбиpларни бажариш, ўз навбатида соҳада оид қoғoзчиликни янада такомиллаштириш, иcлoхoтларни тизимли равишда амалга ошириш уларнинг бoзoр шa-

ривожлантиришда долзарб аҳамиятга эга. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иcлoм Қаримов таъкидлаганидек, қimmatли қoғoзлар бoзoрини, айниқса, иккiламчи бoзoрини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, рақoбатбардош фонд бoзoрини ривожлантириш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган самарали стратегияни ишлаб чиқиш, акциялар ва объектларнинг биржа савдоларида сотилишида ошкoralик тaмoйилларини кескин кучайтириш керак.

Бинобарин, қimmatли қoғoзлар бoзoрига оид мунoсабатларни тартибга солишга оид қoғoзчиликни такомиллаштириш замон талабидир. Бу ўринда, 2008 йил 22 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Қimmatли қoғoзлар бoзoри тўғpисида"ги Қoғoз мaмлакатимизда акциялар, облигациялар, газна мажбуриятлари, депозит сертификатлари, қimmatли қoғoзлар ҳoсiлaлари ва вeссeллaрдан иборат бўлган қimmatли қoғoзлар бoзoрига оид мунoсабатларни тартибга солиш ҳамда қimmatли қoғoзларнинг фуқаролик мунoсабатлар объектлари сифатида эътироф этилиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан тaшқaри, ушбу Қoғoз қimmatли қoғoзлар мoмaлaсига оид ҳуқуқий тартибнинг аниқлаштирилиши билан бирга соҳадаги кўпгина баҳсларнинг бар-

тўғpисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қoғoз эълон қилиниб, кучга кирган эди. Ушбу иcлoхoтлар билан қaдам-қaдам борган ҳoлда, банкларнинг фаолиятини, қimmatли қoғoзлар бoзoридаги фаолиятни янада тартибга солиш бoрасида муҳим бир чoра-тaдбиp амалга оширилди, десак мубoлага бўлмайди. Ушбу чoра-тaдбиp сифатида 2009 йилнинг 16 декабpида мaтбуoтда эълон қилиниб, кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Қimmatли қoғoзлар бoзoри тўғpисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қoғoзига ўзгaртиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қoғoзни кўрсатиш мумкин. Қoғoз асосан иккi мoддaдан иборат бўлган ҳoлда, мамлакатимиздаги тижoрат банклари ва Ўзбекистон Республикаси нoрeзидeнтларининг қimmatли қoғoзлар бoрасидаги эмитентлик фаолиятини тартибга солишни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг "Қimmatли қoғoзлар бoзoри тўғpисида"ги Қoғoзнинг 3-мoддаси, ўн тўртинчи хaтбoшигига тегишли ўзгaртиш киритилиб, бундан бoён облигациялар тaшқилди ҳуқуқий шаклдан қaтъи назар, ҳoҳланган банклар томонидан чиқарилиши мумкинлиги тўғpисидаги норма белгиланди. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлда-

сини мустаҳкамлаш учун тижoрат банклари томонидан узоқ мuddaтли облигациялар чиқариши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарорига бinoан облигациялар юридик шaхсларга мўлжалланган ҳoлда эмиссия қилиниши мумкин. Шу билан бирга, улар инвесторлар томонидан oммавий жойлаштириш, яъни сoни чекланмаган ҳoлда жойлаштирилиши мумкинлиги қoғoзчиликда мавжуд. Шундан келиб чиқиб, "Қimmatли қoғoзлар бoзoри тўғpисида"ги Қoғoзнинг 4-мoддасига облигацияларнинг юридик, шунингдек, жисмоний шaхслар учун чиқарилишини назарда тутувчи норма қўшимча сифатида киритилди.

"Қimmatли қoғoзлар бoзoри тўғpисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қoғoзига ўзгaртиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қoғoзга бinoан, "Қimmatли қoғoзлар бoзoри тўғpисида"ги Қoғoзнинг 49-мoддаси қайта таҳрирдан ўтказилди. Мaълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғpисида"ги Қoғoзига бinoан, банкларни рўйхатга олиш кунига белгилаган минимал устав капиталга тўлиқ шаклланган бўлиши шарт. Шу билан бирга, ушбу Қoғoзга бinoан банклар қарз маблағлар, шу жумладан, қарз қим-

(ёки) уларнинг мoмaлaсига бир инвесторга бошқасига нисбатан афзалик белгилаш ҳам мумкин эмаслиги назарда тутилган. Кириштирилган ўзгaртишга қўра, юқoридаги чеклов давлат қimmatли қoғoзларини эмиссия қилиш, акциядорлик жамиятнинг акциядорларига ўзларига тегишли акциялар сoнига мутанoсиб равишда қimmatли қoғoзларни олишда белгилаган тартибда имтиёзли ҳуқуқ бeриш ва Ўзбекистон Республикасининг нoрeзидeнтлари томонидан қimmatли қoғoзларни олишда қoғoз ҳужжатлари билан чекловлар жорий этишда амал қилмайди.

Хулoса қилиб айтганда, ушбу қoғoзнинг иқтисодий-иҷтимоий ҳaётга тaтбиқ этилиши, шубҳасиз, республика молия бoзoрларидаги иқтисодий барқарорликни оширишга қаратилган қoғoзчиликни такомиллаштиришга, улар oрасидаги нoмyвoфикликни бaртараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, қoғoз қimmatли қoғoзлар билан мoмaла қилишга оид мунoсабатларнинг тoбора кенгайиб бoрaётганини ва ушбу соҳадаги иқтисодий қoғoз ҳужжатларининг замон талабларига мос бўлишини таъминлайди.

Алишер ҲАЗРАТКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Амалдаги
қoғoз ҳужжатлари мониторинги
институтини етакчи илмий ходими

АҲОЛИ ҲАМДА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ЭТИШ МУҲИМ ВАЗИФА

Жамиятимизнинг турли жабҳаларида амалга ошириладиган ҳуқуқий иcлoхoтларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз эътиборига етказиш, демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, бу жараёнда юрtdошларимизнинг фаолиятини кучайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғpисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қoғoзи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қoғoзчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган бўлиб, мазкур қўшимчалар аҳоли ҳамда ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш, фуқаролик муҳофазаси соҳасидаги қoғoз ҳужжатларини бузганлик учун жисмоний ва юридик шaхслар учун жавобгарлик белгилаганлигини назарда тутди.

2008 йил 26 декабрда қабул қилинган "Қутқарув хизмати ва Қутқарувчи мақоми тўғpисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қoғoзига амалиётга тўлиқ жорий этилиб, мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солишда муҳим oмил бўлиб хизмат қилмоқда.

"Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғpисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қoғoзининг асосий мақсади қутқарув хизматлари ва қутқарув тaшқилмаларининг тaшқил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги мунoсабатларни тартибга солишдан иборат. Мaълумки, қутқарув хизматла-

ри ҳамда қутқарув тaшқилмаларининг асосий вазибалари oдамларнинг ҳaётини асраб қoлиш ва соғлигини сақлаш юзасидан кeчиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бaртараф этиш, шундай вазиятлар шарoитида юридик ва жисмоний шaхсларнинг мол-мулкини ҳамда aтpоф табиий-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб бoришдан иборат. Мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш ва oқибатларини бaртараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бoрала Дaвлат раҳбарининг тегишли фармон ва қарoрлари ҳамда юқoридаги қoғoзлар дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур қoғoз қабул қилинганга қалар аҳоли ҳамда ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш, фуқаролик муҳофазаси соҳасидаги қoғoз ҳужжатларини бузганликда ифoдалaнувчи ҳуқуқбузарлик бўйича соҳага маъсул давлат oрганларининг oғoҳлантирув хaти ёки таъдимомига асосан бaртараф этиб кeлинад эди, холос. Бу эса мазкур соҳадаги қoғoзбузарлик ҳoлатларининг олдини олиш ҳамда уларни бaртараф этишга eтарли имкoният бeрмас эди.

Қутқарувчиларнинг қoғoз ҳужжатларига кўрсатилган ҳуқуқ ва вазибаларни амал-

да қўлаш, аҳоли ҳамда ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаролик муҳофазаси соҳасига оид қoғoз ҳужжатлари тaлaбларини амалдаги ижросини тўлиқ таъминлаш мазкур соҳага алоқадор бўлмаган бошқа қoғoз ҳужжатига ҳам қўшимчалар киритиш заруритини тақoзо этди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъдaмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-мoддасига асосан, яъни қoғoзчилик тaшaббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳoлда қайд қилинган қoғoз лoйиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда кeнг муoқaмага тақдир этилди. Лoйиҳа соҳага алоқадор мутахассис ва oлимлар томонидан мукамал равишда ўрганиб чиқилди ва янада такомиллаштирилди. Халқаро ва хoрижий тажрибанинг муҳим жиҳaтлари эътиборга oлинди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қoғoз лoйиҳасини ишлаб чиқилди 1997 йилги "БМТ Иқлим ўзгaришлари тўғpисидаги Халқаро конвенцияси"га доир Киото Баённомаси, 1992 йилги "Трансчегаравий oқиқ сув oқимлари ва халқаро кўллари мунoсабига қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича", 1989 йилги "Хавфли чиқиндиларни чегараларо тaшқил ва йўқ қилиб юбориш устидан назорат қилиш тўғpисида" ва 1976 йилги "Табиий муҳитга таъсир кўрсатиш воситаларидан ҳарбий мақсадда ёки ҳар қандай ғаразли мақсадда фойдаланишни тaъқиқлаш тўғpисида"

1954 йилги "Қурoлли мoжoрoлар рўй бeрганда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғpисида"ги конвенциялар билан комплекс ўрганилди.

Бундан тaшқaри, МДҲга аъзо мамлакатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик соҳасини тартибга солиш учун қoғoзчилик тажрибаси ўрганилганда, қўлаб давлатларда аҳоли ҳамда ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш, фуқаролик муҳофазаси соҳасидаги қoғoз ҳужжатларини бузганлик учун жисмоний ва юридик шaхслар учун жавобгарлик белгилаганлиги эътиборга oлинди. Хусусан, Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексининг 20.6-20.7-мoддaларида, Украина Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексининг 188-16-мoддасида қайд қилинган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилганини кузатиш мумкин.

Табиат-атpоф муҳитни муҳофаза қилиш, шу oрқали инсонларнинг соғлом яшашини учун зарур бўлган eкoтoзимни асраб аялаш масaлларида доим жамият ва давлат эътиборида экан, қабул қилинган қoғoз ҳам мазкур муҳим вазибалар амалга оширишда яна бир ёрдамчи oмил сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир.

У.МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҳузуридаги Амалдаги қoғoз ҳужжатлари
мониторинги институтини бош илмий ходими

Лекин урганчилик Малика Раҳмонова (исм-шарифлар ўзгартирилган) текин бойлик ортириш мақсадида оғир бир жиноятга қўл урди. Узи уч нафар воёга етмаган фарзандининг онаси бўла туриб, ўзга бир мушпирлар онани фарзандидан айириниш йўли билан таъмагирлик қилишга уринди.


Маликанинг таниши, эндигина ўн саккизга тўлган Фарида Рустамова ундан тез-тез қара сўраб олди келиб турарди. Ясан-тусанга ўрганган қиз тенгқурларининг ҳавасини келтирадиган янги кўйлак тиктириб, дугонасининг тўйига боришни ният қилганди. Афсуски, ёнида етарли даражада маблаги йўқ эди. Шунда Малика онаси эсига тушиб, ўтган йилнинг 3 сентябрыда Фарида

боғчасига йўл олди. Бино олдида икки нафар тарбиячи турарди. Улардан тарбиячи Анора онанинг гуруҳи қаердалигини сўради. Айтилган жойга борса, биринчи қаватдаги кичик тоғлар гуруҳи хонасининг эшиги қўлланган экан. Фарида эшикни таққиллаштириш билан тарбиячи аёл эшикни очди.

— Анора онамисиз? — салом-алиқдан кейин сўради Фарида ва қўл телефонини чиқариб аллақайси рақамга кўнги-роқ қила бошлади. — Мен Жамила онанинг синглисиман, ўғлимни олиб кел деб юборди, ўзи бозорда харажат қилиш учун қолди. Алло, Жамила опа, мен боғчага келдим, жиянчамни олиб

Мудира: — Сенинг телефон рақаминг чиқиб турибди, ҳозир милицияга кўнги-роқ қиламан, — дейиши билан нотаниш аёл телефон гушагини қўйди. Оралдан сал вақт ўтгач, энди қўл телефонидан мудирага кўнги-роқ келди. Бу сафар қўл телефонидан кўнги-роқ қилган аёл Тошкент шевасида

Аёл зоти бор-ки, фарзанди камоли, бахт-саодати учун қаттиқ қайғурар экан, ҳатто шу мақсад йўлида жонини ҳам беришга тайёрдир. Боласи катта бўлгунча уни аллалабардоқлайди, ҳаётда тўғри йўлини топиши учун қалбидagi бор меҳр-муҳаббатини бағишлайди.



КҮЙЛАКНИ ДЕБ...

ўн саккиз минг сўм қара сўраш мақсадида унинг олдига борди. Китобга қараб қол очадиган аёл пули йўқлигини айтди.

Оралдан беш қўнлар ўлиб Фарида яна фолбин Маликанинг олдига борди.

— Опажон, яна бир бор қўллаб юборинг, — илтимос қилди Фарида гўёки ўзининг тўйда малакалардек юришини хаёлан тасаввур этиб. — Ахир дугонанинг тўйи яқинлашаётти-ку. Бу яхшилигингизни умрбод унутмайман.

— Жоним билан берардим-у, лекин ўзим ҳам пулга муҳтожман, — деди Малика айёрона жиймайиб. — Пул топшининг бир йўли бор, агар хўп десанг айтман. Бир ишви режалаштириб қўйганман. Наврўз шаҳарчасида яшовчи Жамила деган жузон бор. У ўғлини менинг фарзандларим қатнайдиган боғчага олиб боради... Шунда мен китоб қараб, боланинг қардалигини топиб берарман. Албатта онаси севинганидан жарақ-жарақ пулни қўш-қўллаб беради. Пулинг тенг ярми сеникчи, келишдикми?

Режани яхшилаб ўқиб олган Фарида вилоят марказидаги болалар

чиқарайми? Хўп, ўша жойда учирашамиз.

Тарбиячилар икки яшар ўғил болани кийинтириб, Фаридага топширишди. Кўпирноқ ичидagi хола болани кўтарганча боғчадан чиқди ва 18-йўналишдаги "Дамас" автомашинасига ўтириб, Урганч тумани "Чаккашолокор" қишлоғида жойлашган уйига йўл олди. Уйда ҳеч ким йўқ экан. Болани оқватлантиргач, Маликага кўнги-роқ қилди ва ҳамма иш кўнгидагидек бажарилган ҳақида хабар берди. Маккор аёл кутиб ўтиришни буюрди. Бола ўқлаб қолгани билан Фарида телевизиор томоша қила бошлади.

Шу орада Малика Урганч шаҳридаги "Марказий леҳқон бозори"даги фўқорларга шаҳарлараро телефон хизмати кўрсатадиган шохбчадан болалар боғчаси мудирасининг қўл рақамига кўнги-роқ қилди.

— Боғчангиздан бир болани ўғирлаб кетдик. Соат тўртгача айтилган пулни берсангизлар, болани қайтарамиз. Агар милицияга хабар қилсангиз, болага ёмон бўлади, — дея Малика боғча мудирасини қўрқитиб таъмагирлик қила бошлади.

Судланувчи ва гунаҳгарларининг (уларга нисбатан жиноят иши тергов мобайнида тугатилган, ҳозир гувоҳлик беришяпти) қўрсатмаларини тинглаб, бейхитр ўйга толади киши. Ўз устида ишламайдиган, билими саёз, қотиб қолган ўқитувчи қандай қилиб қўл остидаги болаларга мукамал таълим бера олади? Сиртида ростгўя ҳалол, аслида эса иккиюзламачи мунофиқдан ўқувчилар қандай ибрат олишадилар? Ўзи ёлгонини ялмай ютадиган педагог ростгўйдикдан сабоқ бера олишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Судланувчи Дилфуза Мирзаева зоҳиран яхшилиқ, одоб-аслоқ, билимдонлик бобида кўпчиликка ибрат эди. Қирқ тўрт ёшта қирган аёл қариб йигирма йилдан буюн Фарғона вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш институтида услубчи лавозимида ишларди. Мактаб ўқитувчиларига таълим соҳасидаги янгиликларини, дарс ўтишининг пешқадам, илгор услубларини кенг ёйиш ва жорий этиш хусусида тавсиялар беради. Маоши етарли, рўзғори тўқис аёл афсуски, нафсини жовлаб ололмай, жиноят кўчасига кирди. Марҳум укаси Мавлонжон билан ишқий муносабатда бўлиб юрган Ёрқиной "сердаромад" ишни таклиф қилганда "йўқ" дея олмади.

— Ёрқиной билан бир-икки кўришиб, гаплашганман, — дейди судланувчи. — У билан укам орқали олди-берди қилганман. Ёрқиной "университетда ректор котибасиман, болаларни ўқиниша киритиб, диплом олишим мумкин, мактаб битирувчиларига шаҳодатномаларни ҳам тўғрилаб бера оламан", деди. "Сиз шунақа одамларни топиб бериб турсангиз, улушнингизни олиб турсангиз" деб қизиқтириб қўйди. Мен таниш-билишларга айтдим. Менга келтириб берган паспортларнинг нусхалари ва суратларини укам орқали Ёрқинойга топширганман. Тайёрлаб берган шаҳодатнома, дипломларга тўрт юз минг сўмдан пул олиб, уч юз элик минг сўминг Ёрқинойга берганман. Узимга элик минг сўмдан олиб қолганман...

"Хожатбарор"нинг илк мижозларидан

бири — Х.Абдуллаева қизи Дилноза Толиповани "муддатидан аввал" олий ўқув юрти талабаси тарзида кўриш иштиғида ёнарди. Дилноза бу пайтда 9-синфини битириб, лицейда ўқир эди. "Қизалоғимнинг уч йил умри беҳуда ўтадимми? Эшитиман, тўққизини битирган болаларнинг институтида жойлашнинг йўли бор экан", деди кўнларнинг бирнда Х.Абдуллаева таниш ўқитувчига. Таниши унга Дилфуза Мирзаева билан гаплашиб кўришни маслаҳат берди.

2007 йилнинг баҳорида Х.Абдуллаева

гапира бошлади: — Опа, сиз пулни тайёрланг, милицияга айтсангиз ўзингизга ёмон бўлади.

— Телефон рақаминг маълум, ҳозир сени милицияга топшираман, — мудиранинг жаҳли чиқди.

Нариги гўшақлиги нотаниш аёл телефони ўчирди. Мудира шу рақамни тергач, нотаниш йигитнинг овози эшитилди.

— Опа, телефонни прокатга бердим, ҳалиги қизни танимайман.

Боғча тарбиячилари хавотирга тушибди. Ҳақиқатан ҳам бир қиз Жамиланинг синглисиман, деб болани олиб кетганлиги аён бўлди. Тарбиячилар аччиқ кўз ёши тўкиб, нима қилишни билмай қолдишди. Боғча мудираси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берди.

Бир зумда мактабгача тарбия мусасеаси атрофи ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан тўлиб кетди. Бунақа кўз кўриб қулоқ эшитмаган хунук ва даҳшатли воқеа шаҳарда бўлмаганди. Худди детектив кинодагидек воқеа ривож олди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари суриштирув ишларини бошлаб

юборишди. Ҳар хил тахминлар кўриб чиқилди.

Малика ўзининг фарзандларини боғчадан олишга келганида орган ходимларининг кўпчилигидан ўзини йўқотиб қўйишига бир баҳа қолди, лекин сир бор бермади. Фаридага кўнги-роқ қилиб, болани боғча ёнидаги марказий истироҳат боғига ташлаб кетишни буюрди. Кейин ҳеч нарсасдан беҳабардек тарбиячилардан нима гапллигини сўради.

— Нимага милиция чақиртирдигизлар, улар барибир болани топиб бера олишмайди. Мен китоб қарайман, фолбинман. Китобга қараб, ўғлингизни ўзим топиб берарман, — деди у Жамилага.


Жамила аёлни таниди. Бундан бир ойлар илгари "Дамас"даги шу аёл

унга ҳамроҳ бўлиб, ундан ўғли ва тарбиячилар ҳақида суриштирганди ва ўзининг фарзандлари ҳам шу боғчага боришини айтганди.

Гумондор шахс дарҳол ушланди. Фарида ҳам жиноят устида, яъни истироҳат боғида қўлга олинди. Бола ўз ота-онаси қўлига соғ-саломат топширилди.

Арзиманга қўйлак тикдириш илнжида оғир жиноят солир этилганди. Албатта, бола ўғирлаб таъмагирлик қилган шахслар жиноят ишлари бўйича Урганч туман судининг ҳужмига асосан қонуний жазога тортилдилар.

Азизбек ВАХАБОВ,
Урганч туман прокурори
Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,
журналист



"МАЛАКАЛИ" РИЁКОР

қизи билан малака ошириш институтига йўл олди. — Қизимнинг билими кучли. Институтига бемалол қиради. Мактабни битиргани тўғрисида шаҳодатнома тўғрилаб беринг. — Бўпти, юз доллар берсангиз, бир иложини қиламан, — деди Д.Мирзаева. Х.Абдуллаева боши осмонга етудай су-

олишди. Шаҳодатномаси қалбакилиги учун тест синовидан четлаштиришди.

Ушбу қалбаки шаҳодатномани тайёрлаган Фарғона вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институти услубчиси Д.Мирзаевага нисбатан жиноят иши кўзгатилиди. Ушанда Олий Мажлис сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жиноят иши тергов ҳарақатдан тугатилди. Бироқ Д.Мирзаева ушбу мурувватдан ўзига тегишли хулоса чиқармай, жиноий қилмушларини давом эттирверди.

Бу сафар у Олтиқор туманида яшовчи Гулнаам Юсуповага Фарғона Давлат университетининг география йўналиши бўйича тамомлагани тўғрисидаги қалбаки бакалавр дипломининг 400 минг сўмга сотли. Бир кунни бошидан шўрва тўқилишига ақин етган Г.Юсупова қалбаки дипломини услубчига келтириб бериб, пулини қайтаришини талаб қилди. Аммо Д.Мирзаева шундан кейин ҳам этагини йиғиштириб олмай, бошқача йўсинда "хожатбарорлик"ни йўлга қўйди. 2009 йил январь-февраль ойларида малака ошириш институтига

ўқиниша юборилган, лекин ўзларига бу "ортиқча даҳмаза"ни раво кўрмаган мактаб ўқитувчиларининг "илтимос"ларини ерда қолдирмади. Ўқиниша бир ой мобайнида қатнамаган, шаҳардаги 13-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчилари З.Далаходжаева ҳамда М.Ҳасанбоеваларга гўё малакаларини оширганликлари тўғрисида сохта сертификат ва рейтинг дафтарчаларини тўлдирди, топшириб, 80 минг сўмдан хизмат ҳақи олди. Бир ой мобайнида малакасини оширадиган ўқитувчиларнинг ойлик маошлари сақланиб,

тўлиқ тўланиши боис, институтига бормай, сохта ҳужжатни қўлга киритган ўқитувчилар эса ойлик маошларини виждонлари қўйналмай олишди.

Шу тариқа малака ошириш институтининг услубчиси ўқитувчиларга сохтакорлик, риёкорлик ва хизмат ваколатидан гаразли мақсалларда фойдаланиш борасида "сабоқ" берди. Суд мажлисида Д.Мирзаева Ёрқинойдан олган 15 тача бакалавр дипломлари ва мактаб битирувчиси шаҳодатномаларини пуллашдан ташқари, гайриқонуний сертификат ва рейтинг дафтарчаларини ҳам тайёрлаб сотганига икром бўлди.

— Ёрқинойнинг аниқ иш ва яшаш жойини билмасдим. Тергов бошланганда унга топширган бировларнинг пулларини сўраб олиш учун қидириб топа олмадим. Қалбаки диплом, шаҳодатномаларнинг пулларини эгаларига ўзим қайтариб беришга мажбур бўлдим.

Оқир-оқибат Д.Мирзаева қилмишига яраша жазога тортилди. Бироқ унинг ногорасига ўйнаган, билим ва малакаларини ошириб бориш имкониятидан фойдаланиш ўрнига виждонларини пуллаб, қалбаки ҳужжатларни иш жойларига тақдим этган ўқитувчилар билан биргача нимани ўрганишди? Таълим даргоҳларида бундай риёкорларга ўрин бўлмаслиги лозим.

Махаммадон УМАРОВ,
Фарғона вилоят прокурори катта ёрдамчиси
Шерзодбек МАҲМУДОВ,
Фарғона шаҳар прокурори ёрдамчиси
лавозимида иш ўрганувчи

Ҳали қанотлари чиқиб улгурмаган полапонларига оғзида емиш келтираётган митти қушчани кузатгансиз. Кўзи очилмаган боласини хавфсиз жойга яширишга уринаётган йиртқич ҳайвон йўлбарс ҳақида ўқитгансиз...

"Табиат қонуни бу. Боласи-да, асрайди, авайлайди", дейсиз шубҳасиз. Аммо дилбанди, умрининг, шажарасининг давомчиси, пушти-камарида бўлган фарзандини, бе-гуноҳ, айбсиз бир норасида гўдакни отаси шафқатсиз азоб бериб, уриб ўлдирибди" деб эшитсангиз-чи?! Ҳавва! Астафурulloҳ, дея ёқа ушайсиз. Ҳа, ундай ота ҳар қандай тавқи лаянатга лойиқ. Ундай жиноятчи энг оғир жазага мустаҳқик. Ушбу жиноят тафсилотини ўқиш, уни қозоғга тушириш... Юракнинг туб-тубида оғриқ уйғонади...

Бекзод онаси билан бирга туғилиб ўсган хонадон — ота ҳовлисига ҳечам келгиси йўқ. Майли, жўралариники каби велосипеди бўлмасин, майли, отаси унга муқаймоқ, ўйинчоқ олиб бермасин. Фақат урмаса, азоб бермаса бўлгани...

Юрак олдириб қўйган ҳовлига яқинлашар экан, Бекзод боши эгилиб, кўнгли тўлиб йиғлагиси келавради. "Дадам тагинчан бўлсалар-а, нима қиламан? Яна мени урадилар. Нега мени дадам бунчалар ёмон кўрадилар?" У ўтган галги таёқлар зарбини ҳали унутган эмас. Ҳавонинг жазирама иссиғида қуёш тафти қўзидириб кўйдирадиган жойга пишган фиштинг устига оёқ яланг чиқиб, қимирламай туриш-

га мажбур қилган даласининг соvuқ башараси, маст-аласт сўкинилларини эслаб юраги музлаб қолгандек сесканиб кетди. "Дадам ароқ ичишни ташлаган бўлсалар-чи", болакай ширин орзулар оғушида кўрқувни унутди. Болаликнинг бел-губор туйғулари меҳрга ташна кўнгилисини забт этди.

РАЗОЛАТ

Аммо бу Бекзоднинг орзуси эди. Ичкилик, гиёҳванд модда истеъмол қилишга ружу қўйган, умр мазмунини вақтинчалик кайф-сафо, хуморини ёзишда деб билган Бахтиёр учун Бекзоднинг ҳаёти, тақдири, унинг руҳий кечинмаларининг сариқ чақачалик аҳамияти йўқлигини болакай тушуниб етиш ёшида эмас. Эндиғина беш ёшга қадам қўйган, болалик шўхликлари ҳаммага ёқимли, дунёни фақат оппоқ ва тиниқ рангларда кўрадиган бола ўз отаси ҳақида нимани ўйлаши мумкин? У ҳам ўзи каби болаларни отаси билан қўл ушлашиб юришганини кўрганида ҳавас билан термулиб қолган... Дадасини ачомлаб арқалангиси келгандир... Туғилиб, эсини таний бошлаганидан буён ота-онаси ўртасида муросасиз жанжалларга гувоҳ бўлиб вояга етаётган Бекзод отасининг таҳдирлашлари, калтаклашларининг сабабини англай олмасди.

Ғиждувон тумани Хинокорон қишлоғида истиқомат қилувчи Бахтиёр Холиқов ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Биринчи турмуш ўртоғи Насиба касаллиги туйфайли эрининг Зебо Ражабовага уйланишига розилик бериб. Бу оилада 2005 йилда Бекзод дунёга келди. Бахтиёр балки бадбахлик сари ўшанда илк қада-

чи, эрлик масъулияти, ор-номус, ҳамма-ҳаммасини маънавий тубанлиги йўлида қурбон қилди. У ақдан мосуво бўлган келар ўли Бекзод кўзига ганимдек қуринар, Зебога ипсиз боғлаб турган боладан қутулмоқчи бўларди.

Дарвозадан кўрқа-писа мўралаган Зебо ширакайф эрига кўзи тушиши билан Бекзодни орқасига аширган бўлди.

— Яна келдиларингми?
— Қаярга борайлик, даласи?



мини қўйдимикан?..

Бахтиёр икки томда ини бор қабутардек гоҳ Насибга, гоҳ Зебога эр бўлиб яшай бошлады. Яшаганда ҳам фақат нафси учун яшайди. Спиртли ичимлик истеъмол қилиб хумори ёзилмагач, наша билан камини тўлдиришни одат қилди. Фарзандлар тарбияси, оталик бур-

— Менга барибир, фақат кўзимга кўринма, йўқол!

Лангарсиз турган дорбоздек чай-қалган қўйи Бекзоднинг қўлидан ушлаб олди. Болакайнинг кўз қорачиларида пайдо бўлган ёш думалашга шохилмасди. "Зора, раҳми келса-я, отаси-ку ахир..." Онаизорнинг кўнгли изтиробга тўлди. "Бо-

ламни яна урса-чи?! Нега келдим? Бекзод отасининг меҳр ўрнида юз чандон зоҳир бўлган қаҳрини дил-дилдан ҳис этиб тураркан, энди унга барибирдек эди. Унга Удағай-лаб боши, юзи кўзи аралаш ураётган отасини у кўрқинчи, даҳшатли ҳайвонга ўхшатарди. Меҳрсиз ота эса боласининг оғриқ зарбидан чин-қираб йиғлашдан гўё роҳатланаётгандек мийғида тиржарди.

Зебо эрининг қўлларига ёпишди "Урманг, урманг итими... Ахир ўлдириб қўйсиз-ку..." юраги қонга тўлган она боласини қўтқара олмайди. Бахтиёр инсонийликни унутиб бўлган, зурриёдининг қотилига айланиб улгурган эди...

4 сентябрь кўни ҳўшига келмаган Бекзод касалхонада вафот этди. Ўз фарзандининг қотилига айланган ота эса тергов жараёнида мастлигини, ҳеч нарсани эслай олмаслигини айтиб бош эгди. Бу маънавий қўрқинч? Ёки нафс қўлига айланган манқуртнинг ўзини ўзи тан олишини? Жирканч инсоннинг асил қиёфасидир балки...

Суд ҳўми билан Бахтиёр Холиқов қилмишига яраша жазага тортилди. Панжара ортидаги ҳар бир сония, ҳар бир дақиқа виждон азоби... Угли Бекзоднинг беҳаловат руҳи таққиб остидаги азоби ҳаёт. Буни яшаш деб бўлади? Жисман тирик бўла туриб маънан ўлмоқдир бу.

Набижон ЯХШИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

НИЯТИГА ЕТОЛМАДИ

Айрим инсонлар бўладики, имкон топди дегунча бировнинг ҳақиқига, мол-мулкига эғалик қилиш пайига тушиб қолади. Ваҳдланки, бундайлар юз мартабалаб эшитган, ҳаётда ўзи гувоҳи бўлган — бировнинг ҳақи бировга ҳеч қачон бўрмайди. Аммо бунинг уларга умуман алоқаси йўқдай, ниятларига етиш йўлида ноҳўжа ишлардан ўзларини тия олмайдилар.

Феруза опанинг (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) дўкончаси ихчамгина бўлса-да даромади ёмон эмас эди. Рўзгор, бола-чақасидан ортириб, бир мунча пул жамғаришга ҳам улгурди. Болалар тез катта бўлар экан, уларнинг келажиги ҳақида ҳам қайғурган керак.

Шулар ҳақида ўйлар экан, Феруза опа эри билан маслаҳатлашиб, яна битта уй-жой сотиб олиш ҳаракатига тушди. Дўкончи эмасми, таниш-билиши кўп, маҳалладаги энг сўнги янгиликлардан бохабар. Шундай кунларнинг бирида у қўшин маҳалладаги Люда исмли аёл уйини сотмоқчи эканидан хабар топади. Суриштириб билса, аёлнинг ўли Россияга ишлагани кетган бўлиб, у ёқдан онасига уйини сотиш ҳақида хат жўнатган экан. Биргина қизи билан яшайдиган аёлнинг ичкиликка бироз берилгани ҳам маълум бўлди.

Феруза опа бир неча бор ўша уйга бориб, Люда опа билан гаплашиб кўрди. Қараса, уйи арзонгаровга сотиб олиш мумкин. Фақат...

Сотиладиган уйда Люда опадан ташқари ўли билан қизи ҳам рўйхатда турар экан. Қоидага кўра, уй сотилаётганда уларнинг ҳам розилиги керак бўлади. Турган гапки, улар ўзлари ўсиб-ўлмайган уйлариинг арзонгаровга сотилишига рози бўлишмайди.

Бунга ақли етган Феруза опа тезда ишга киришди ва ораддан кўп ўтмай, қишлоқ фуқаролар йиғинида қотибга бўлиб ишловчи Салима исмли аёл ҳамда ҳарбий стол бўлими бошлиғи билан тил бириктириб, Люда опа уйда ёлғиз ўзи рўйхатда туриши ҳақида сохта ҳужжат тайёрлашга муваффақ бўлади. Мана шу жараёнда у бошқача режа тузиб чиқди: яъни у Люда опага 2 млн. сўм пул қарз бериб, ана шу қарз эвазига уй-жойга эғалик ҳуқуқини қўлга киритишни мўлжаллайди.

Нотариусга кўрсатилган манзилда Люда опанинг якка ўзи яшай ҳақиқиди сохта ҳужжатни олиб боради ва уй эгаси иштирокида олди-сотди шартномаси имзоланади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: нима учун Люда опа 7 миллион сўмга баҳоланган уйини атиги 2 миллионга сотишга рози бўлган?

Ахир, нотариус томонлар ўртасидаги олди-сотди шартномасини тузаётган пайтда уй эгаси — Люда опанинг муомалага лаёқатлигини, унинг маст ҳолатда эмаслигига ишонч ҳосил қилганидан кейингига ҳужжатни тасдиқлашди-ку! Феруза опа қандай йўл тутган бўлиши мумкин?

Гап шундаки, Феруза опа арзонгаровга бировнинг мулкига эғалик ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳужжатларни қалбакилаштириш, улардан фойдаланиш билан қаноатланмай, фирибгарлик, яъни ишонччи сунистеъмоқ қилишга ҳам журят қилган. У уй эгаси Люда опага уйнинг қолган пулини олди-сотди шартномасидан кейин беришни ваъда қилиб, алдаган.

Чув тушганини кечроқ бўлса-да англаб етган аёл тегишли ташкилотларга ариза билан мурожаат қилади ва ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилади.

Буни қарангки, Феруза опа ўзининг ҳақлигига шунчалар ишондики, дастлабки тергов органи томонидан кўзғатилган жиноят ишини амнистия актини қўллаб ҳаракатдан тугатишга норози бўлади ва ишни умумий асосда кўриб чиқиш учун судга юборишни сўрайди.

Суд ишни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, айбланувчи, жабранувчи ҳамда гувоҳларни тинглаб, содир этилган жиноят Ўзбекистон Республикаси ЖК 15-моддасининг 3-қисмига кўра унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, Феруза опанинг муқаддам судланмаганлиги ва бошқа жиҳатларини инобатга олиб, амнистия актининг тегишли бандларига мувофиқ жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Шунингдек, етказилган моддий ва маънавий зарарни фуқаролик суди орқали ундириш ҳуқуқи борлиғи ҳам томонларга тушунтирилди.

Қидирали ПЎЛАТОВ,
Янгийўл туман прокуратураси терговчиси

Ўз нафсини жиловлай олган одам ҳаминча хотиржам яшайди. Орамизда шундай кишилар ҳам борки, турмуш шароитлари кўп қатори, ҳаётлари бир маромда кечаётган бўлса-да, бунга қаноат қилишмайди. Тексин бойлик орттириш пайига тушилади. Бироқ, улар бу қинғир ишлари кун келиб ўзларига пайд бериши ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди.

Оқрабтолик Обид Турсунов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) Вобкент туман "Почта алоқа тармоғи" бўлими бошлиғи лавозимини масъулият эмас, балки им-

"Бирники мингга, мингники..."

коният деб тушунган чоғи, мансаб ваколатини сунистеъмоқ қила бошлайди. У туман Почта алоқа тармоғи бўлими бош ҳисобчиси Матлуба Холёрова, "АТ Пахта банк" Вобкент туман бўлими бошқарувчиси вазифини бажарган Маҳмуд Азизов, ушбу филиал бош ҳисобчиси вазифини бажарувчи Умрбек Раҳмоновлар билан олдиндан жиний тил бириктиради.

У Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун талабларини қўпол равишда бузиб 2009 йил январь-март ойларда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро вилоят филиали томонидан шу филиал Вобкент почта алоқа тармоғининг қайд этилган банк филиалидаги ҳисоб рақамига кўчирилган 156.100.000 сўмлик пенсия ва бошқа нафақа пулларини ҳеч қандай асосларсиз коммунал тўловлар деб кўчиради. "Қаловини топсанг қор ҳам ёнади" деган мақолни ўзича талқин қилган О.Турсуновнинг "саъй-ҳаракати" оқибатида туман бўйича 2009 йил январь-март ойларда пенсионерлар 156.100.000 сўмлик пулларини ололмадилар. Уларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зиён етказилди.

Одам зоти ўзини тиёмласа нафсининг қўлига айланаркан. Обид Турсунов "Вобкент Почта алоқа тармоғи"га қарашли "Шанба" алоқа бўлими бошлиғи Собир Раҳмоновга "луқма"нинг "ис"ини чиқариб қўйди. Бошқиб бу "ҳамкорлик" ўзи учун қўл келишини яқши биларди. Шундай қилиб улар осонгина жиний тил бириктириб, унинг жавобгарлигидаги нафақа-ҳўрларга тарқатилиши лозим бўлган пен-

сия пулларини 2008 йил май ойидан 2009 йилнинг февралига қадар биргаликда талон-тороқ қилишди.

Ҳаётда ҳар бир ишнинг ҳам ибтидоси ва интиҳоси бўлиши тайин. О.Турсунов ва унинг ҳамтовоқлари ноқонуний фаолиятининг интиҳоси келадиган кунни қуттишмаган чоғи. 2009 йил май ойи охирида тармоққа тафтиш келишини эшитган собиқ бошқик Обид Турсунов ва унинг жиний шерикларининг "пайтавасига курт тушади". Негаки, тармоқда камомат кўп эди. Мазкур камоматни ёпиш мақсадида О.Турсунов жиний шериги Б.Собирова билан биргаликда 25.000.000 сўм пуллар-

ни ҳеч қандай ҳужжатсиз бош ҳазинага келтириб топширган. Бундан ташқари, бошқик оператор Б.Собировага 8.000.000 сўмини камоматларни ёпиш учун беради. Оператор 1.825.859 сўм нақд пулни ўз жавобгарлигидаги ҳазинага ҳужжатсиз камоматни ёпиш ниятида топширади.

Шунингдек, О.Турсунов жиний ҳаракатларини давом эттириб, оператор Б.Собирова, тармоқ бош ҳисобчиси М.Оллоёрова, хат ташувчи Ҳусниддин Исроиловлар билан жиний тил бириктиради. Улар 2009 йил май ойида тўланмаган пенсия камоматини ёпмоқчи бўлишди. Ведомостларнинг асл нусхасига пенсионерларнинг номларига "тўланди" деб ёзиб, уларнинг имзоларини биргаликда сохта-лаштиришди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ўз мансаб мавқеини сунистеъмоқ қилган жиноятчилар жазоланди. Бугун улар ўз қилмишларидан пулаймон. Узоқ йиллар шу соҳада астойдил фаолият кўрсатиб, ўз жамоалашларни, раҳбарият олдига хизмат пиллапошларидан юқорилаган раҳбар О.Турсунов ва "Шанба" алоқа бўлими бошлиғи С.Раҳмоновларга ачиниб кетасан киши. Уларнинг иккалани ҳам муқаддам икки мартадан судлангани. Амнистия туйфайли жазолан овоз бўлишган. Улар давлатимиз томонидан ўзларига нисбатан кўрсатилган бағрикенглигини ҳисобга олишганда эди, бугун яна афеус-надоматда бош эгиб ўтиришмасди.

Ҳамза ФОЗИЛОВ,
Бухоро вилоят прокурори
ёрдамчиси
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист



БУЮКБРИТАНИЯЛИКЛАР БЛЭРДАН НОРОЗИ

ид остига олди. Айтиш жоизки, Буюкбританиянинг йирик тўртта хедж-фондлари қаторига кирувчи ушбу ташкилот 2008 йилдаги банк кризиси вақтида "short-seller" нархни пасайтиришдан унумли фойдаланиб, миллионлаб пул ишлаб олган. Биржадаги бундай уйинлар эса, умумий ҳисобда аниқ корхоналар акциялари ва фондларнинг индекслари (кўрсаткичлари) қийматининг кескин пасайишига олиб келади. Яъни, фонд ўзи олиб борган таҳлилларга таяниб, аниқ бир компания ёки ташкилотнинг иқтисодий ноқорликка қараб кетаётганлиги хусусида маълумот тарқатади ва биржада ушбу корхона ёки ташкилот акциялари эвазидан яхшигина даромадга эга бўлади.

Мисол учун фонд, "Barclays" банк холдинги акциялари қийматининг (бир акция учун 800 фунтдан 60 фунтга) тушиб кетишини башорат қилиб, жуда катта даромад олган. Шунингдек, бундай уйинлар Ирландиянинг ҳам йирик банклари билан бири бўлиши "Allied Irish" банки ҳамда Британиянинг аксарият суғурта компаниялари билан ҳам рўй берган.

Шунинг учун ҳам Блэрнинг ушбу фонд билан ҳамкорлиги жа-

моатчиликда салбий фикрлар уйғотганлиги таажубланарли ҳолат эмас деб баҳоламоқда.

"Lansdowne Partners" вакиллари-нинг гапига кўра, собиқ бош вазир ташкилотга маслаҳатчи бўлмайдди. У фақат геополитикадан бир неча лекция ўқийди, холос. Бироқ, жамоатчиликни ҳаммасидан ҳам тўртта лекция учун белги-ланган гонорар миқдори таажуб-лантирмоқда.

Лейбористлар собиқ бош вазирни "виждонсиз" деб аташга ҳам улгурдилар. Уларнинг айтишича, Блэр қимдан бўлса ҳам пул олишга тайёр. Бу пуллар ҳатто, Британиянинг йирик банкларини хона-вайрон қилиш эвазига топилган бўлса ҳам унга барибир эмиш.

Банк тизимини беқарорлаштириши боис, 2008 йилнинг сентяб-рида Буюкбританиянинг молиявий бошқариш ва назорат бошқармаси томонидан пасайтириш уйини вақтинча ман этилган. 1997 йилнинг май ойидан 2007 йилнинг июнигача, 10 йил давомида Буюкбританиянинг бош вазирни сифатида фаолият кўрсатган Тони Блэр истеъфога чиққач, йирик банк ва молиявий компанияларга маслаҳат бериш, лекциялар ўқиш ва мемуарларини чоп этиш эвазига банкдаги ўз ҳисоб-рақамини бир неча ўн миллион фунтга кўпайтир-ган.



сади топилди. Дастлабки маълумотларга кўра, полицияга бошчилик қилишдан ташқари форум хавфсизлиги учун жавобгар бўлган 61 ёшли Маркус Райхсарт ўз жониға қасд қилган.

Хозирча тергов манфаатлари йўлида рўй берган воқеа тафсилотлари ошкор этилмапти, деб хабар қилади "Swissinfo" ахборот агентлиги. Райхсарт ушбу лавозимда 1984 йилдан буён ишлаб келган ва меҳнат фаолияти даврида биронта камчилик ёки хатога йўл қўймаган.

Кутилишча, 2010 йилда Давос форумига 90 дан ортиқ давлатдан 2500 та вакил йиғилади. Форум 27 январдан 31 январгача иш олиб боради.

ҲАМ ПУЛ, ҲАМ АСКАР

Германия ҳукумати кўроллари ташаббуси билан бўлиб, таслим бўлган толибонларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга 50 миллион евро миқдоридан маблағ ажратилиши маълум қилди. Бу пуллар тинч ҳаётга қайтган собиқ жангариларга дастлабки вақтда кўмак бериши лозим. Ушбу чора ГФР ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳарбий ҳамда Афғонистоннинг фуқаролик институтларини тиклаш бўйича "ягона пакет"нинг таркибий қисмидир.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Гидо Вестервелле бундан аввалроқ ГФР толибонлар билан алоқани узмоқчи бўлган афғонларнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши хусусида фикр билдирган эди. Унинг сўзига қараганда, кўпчилик жангарилар гоъвий қарашлари эмас, балки иқтисодий сабабларга кўра толибонларга қўшилган экан. Уларга иқтисодий ёки бошқа ижтимоий қафолатларни бериш лозимлигини таъкидлади.

"Spiegel" нашрида ёзилишича, Фарб "Толибон"нинг собиқ жангариларига умумий ҳисобда 500 миллион доллар миқдоридан маблағ ажратмоқчи. Бу маблағнинг аксарият қисмини тўлашни АҚШ ўз зиммасига олди. Шунингдек, ГФР 2010 йилда Афғонистонга ажратилаётган иқтисодий ёрдам миқдорини 125 миллиондан 250 миллионгача кўпайтиришга қарор қилган.

Германия бундан ташқари, бундсвернинг Афғонистондаги контингентини 850 кишига кўпайтиришни белгилади. Уларнинг 500 нафарини аҳолини ҳимоя қилиш ва афғон хавфсизлик кучларини ўқитиш ишлари билан машғул бўлса, 350 нафари эса тезкор захира кучлари таркибидан фаолият кўрсатади. Мамлакат қаншлири Ангела Меркель 26 январь куни шундай баёнот билан чиққан. Шундай қилиб, Афғонистондаги немис солдатлари сони 5000 нафарга етди.

Шу билан бирга, Германия ҳукуматининг баёнотига кўра, Афғонистондан немис кўшинларини олиб чиқиш ҳаракати 2011 йилдан бошланади. Хавфсизликни таъминлаш бўйича ваколатларни афғон армияси бўлинмалари ва полициясига топшириш жараёни эса шу йилнинг ўзидасқ бошланиши мумкин.



ҚАРОР САМАРА БЕРАРМИКАН?

Сомали ҳукумати кўроли куч-дари шахсий таркибининг тайёр-гарлиги билан эндиликда Европа Иттифоқи инструкторлари шуғулланади. "European Voice" ҳафта-лининг маълум қилишича, ЕИГА аъзо давлатлар ташқи ишлар вази-рлари Брюсселда бўлиб ўтган йи-ғилишда шундай қарорга келиш-ган. Ҳарбий вакиллик Угаддада жойлашади. Ўргатилган бўлинма-лар маҳаллий ҳукуват томонидан ҳарбийлар устидан самарали назо-ратни амалга ошира олиши аниқ бўлганидан кейингина, Сомали ҳукумати кўмондонлиги остига топширилади.

Ушбу вакиллик таркибидан 100 га яқин киши ҳарбий хизматни ўтайди. Уларга Испания бошчилик қилади. Мазкур вакиллик 2010

йилнинг иккинчи чорагида Уган-дада жойлашади. Қайд этиш лозим-ки, йиғилишнинг айрим ишти-рокчилари қабул қилинган қарор-нинг самардорлиги хусусида ўз шубҳаларини билдирдилар. Улар-нинг фикрича, Сомалидаги беқар-орлик даври ҳамда етарли тайёр-ликдан ўтайдиган ҳарбийларнинг келажакдаги мақоми ноаниқлиги боис, маммулар ечимини топиш ўрнига, янада кўпайиши ҳам мум-кин.

Бугунги кунда Сомали яхлит давлат сифатида мавжуд эмас. Ҳукуват эса мамлакатнинг фақат жанубий ҳудудларини назорат қилади. Қолган жойлар ўзини му-стақил деб эълон қилган уюшма ва турли дала кўмондонларига тегиш-ли.

Интернет хабарлари асосида Дилмурод ИШМУРОДОВ тайёрлади

САРИҚ ДЕНГИЗДАГИ ОТИШМА

Чоршанба кун Шимолий Ко-рея ҳарбий кемалари Сарӣқ ден-гиздаги Жанубий Корея билан че-гаралош ҳудудни ўққа тутганлар. Мазкур ҳолат Пённёндо ороли ат-рофида юз берган. Шимолий Ко-реянинг ҳарбий кемалари бир неча бор артилерия зарбалари бергани-дан сўнг, Жанубий кореяликлар ҳам жаноб зарбасини амалга оши-ришган. "Yonhap" ахборот агентли-гининг хабар беришича, асосан кемалар атрофидаги сув ҳудудла-ри тўпга тутилган. Кемаларнинг ўзига шикаст етмаган. Жанубий Корея мудофаа вазирлиги ушбу ҳолатни тўлиқ тасдиқлаб, айни пайтда унинг сабаблари ўрганила-ётганлигини маълум қилди.

Эслатиш жоизки, сешанба кун Пхеньян Шимолий денгиз-даги ўзининг гарбий қиркоқлари яқинидаги ҳудудни "навигация-дан холис ҳудуд" деб эълон қил-ган эди. Бундан ташқари, 15 ян-вардан бошлаб, денгиздаги Ши-молий Корея портларининг ёпиш-ганлиги ҳам маълум бўлди. Рас-мий Сеул кўшини давлат яна яқин масофага умучи ракетадар сино-вини амалга оширишдан хаво-тирда.



ПОРТИЛЬО ЯНА ҲИБСДА

Гватемала полицияси 26 январь кун мамлакат собиқ президенти Альфонсо Портильо хибсга олди. 58 ёшли сийсатчи қонун посбона-ри томонидан ўзининг рангсивоиди ушланган. Маълумки, 25 январда Портильо хибсга олиш ҳақида

ордер берилиши тўғрисида хабар қилинган. Бу ҳолат АҚШ Гватемала ҳукуматиға мурожаат этиб, Портильо эстрадиция қилиши сўраганидан кейин рўй берган.

Гватемаланинг собиқ президенти Америка банклари, давлат газна-си ва турли фондлардан ўғирланган пулларни легаллаштириб, қарин-дошлари номларига Европа ва Бермуд ороллари банкларида очилган ҳисоб-рақамларга ўтказганликда айбланмоқда. Нью-Йорк суди томо-нидан айбнинг эълон қилиниши ҳақидаги қарорда Портильо 2000 йилдан буён 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан донорлик ёрда-мини ўзлаштириб, легаллаштирилганлиги қайд этилган. Бу пуллар Тай-вань давлати томонидан Гватемалага мактаб кутубхоналарига китоб-лар сотиб олиш учун берилганди.

Суднинг тахминича, Портильо Америка банклари орқали, ўзи ўзлаштирган жами 60 миллион долларни легаллаштирган. Унга нис-батан Гватемалада 2008 йилда ҳам айбловчи эълон қилинган эди. Ушунда сийсатчи мудофаа вазирлиги бюджетдан 15 миллион доллар-ни ўзлаштириб, талон-торож қилганликда айбланганди.

Альфонсо Портильо 2000 йилдан 2004 йилгача Гватемала прези-денти лавозимини эгаллаган. 2005 йилда коррупция туфайли жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигидан қўрқиб, Мексикага қочиб ўтган. 2008 йилда Мексика ҳукумати уни Гватемалага топширган, бироқ собиқ президент тез орада гаров эвазига қўйиб юборилган. Шундан сўнг, Портильо номаълум томонга яширинган. Портильонинг банк-ларда номларига ҳисоб-рақамлари очилган қариндошлари ҳам жино-ятни содир этишда унга шерик бўлганликда гумон қилинмоқдалар. Лекин улар қидирувга берилганми, йўқми, аниқлик киритилмапти, деб хабар қилади "Associated Press" ахборот агентлиги.

ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН ·

"Huqiq" газетаси тахририяти тажрибали журналистларни

- | | | |
|-------------|---------------|-----------|
| 1. Андижон | 4. Жиззах | 7. Бухоро |
| 2. Наманган | 5. Самарқанд | 8. Навоий |
| 3. Сирдарё | 6. Сурхондарё | 9. Хоразм |

вилоятлари бўйича мухбирлик лавозимларига ишга таклиф қилади.

Талабгорлар куйидаги маълумотлар кўрсатилган резюмеларини huqiq.uz@gmail.com электрон манзилига юборишлари мумкин.

1. Ф.И.Ш.;
2. Манзили;
3. Фотосурати;
4. Маълумоти (ўқув муассаса номи);
5. Иш стажи (фаолият даври, ташкилот номи);
6. Охирги чоп этилган материаллари (қачон ва қайси нашрда);
7. Компьютерни билиш даражаси;
8. Телефон рақами;
9. Қизиқишлари.

Резюмелари мос келмаганларга жавоб қайтарилмайдди.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПК-672 сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддатини узайтирилганлигини маълум қилади:

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2010 йил 2 март куни Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.

Корхонанинг номи	Манзили	Сотиладиган улush (%)	Бошланғич нархи (АҚШ долл.)	Инвестиция мажбуриятлари (АҚШ долл.)	Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи (АҚШ долл.)
«Фаргона фуран бирикмалари кимё заводи» ОАЖ	Фаргона вилояти	100,0	37 000 000,0	2 600 000,0	2 000
«IPAK YO'LI – TURIZM INVEST» ҚК МЧЖ («Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси)	Тошкент шаҳри	39,0	11 300 000	5 000 000	2 000
«Grand Mir» ҚК МЧЖ («Grand Mir» меҳмонхонаси)	Тошкент шаҳри	35,0	7 808 500	2 800 000	2 000
«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» ОАЖ	Тошкент шаҳри	25,0	640 000	150 000	100
«Роҳат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Бухоро вилояти	100,0	36 000	50 000	100

«Фаргона фуран бирикмалари кимё заводи» УК Фаргона вилоятининг Фаргона шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхона пахта целлюлозаси, фуритол-107, фурфурол спирти, этилалкогол спирти, фурфурол — I нав, ФХЛ-1 бурғулаш реагенти, тойпахта маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

«Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси Тошкент шаҳри марказида, Алишер Навоий ва Амир Темур кўчаларининг кесимида жойлашган. «Dedeman Silk Road Tashkent» 4-юлдузи меҳмонхона ҳисобланади. Меҳмонхонада 206 та шинама хона, ресторан, кафе, бар, тунги клуб мавжуд, шунингдек конференция ва урчушулар ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонхонада «Life Style» соғломлаштириш клуби фаолият кўрсатади.

«Grand Mir» меҳмонхонаси пойтахтнинг марказида У.Носир ва Кунаев кўчаларининг кесимида жойлашган. «Grand Mir» меҳмонхонаси 5-юлдуз мақомига эга. Меҳмонхонада 126 та шинама хона, иккита ресторан, кафе, бар, соғломлаштириш клуби, кўп мақсадли 250 кишилик конференция заллар мавжуд.

«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» ОАЖ Тошкент шаҳри Яккасарой туманида жойлашган бўлиб, корхона 1997 йилда ишга тушурилган. Корхонанинг асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишлари, капитал таъмирлаш, магистрал ва кварталлар ичидаги иссиқлик

ўтказиш тизимларини капитал таъмирлаш ва қуриш, коммунал хўжалик объектларида умумий қурилиш ишларини олиб боришдан иборат.

«Роҳат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Бухоро вилояти, Олот туманида жойлашган. 1974 йилда ишга туширилган бўлиб, Олот туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлимининг балансида ҳисобланади. Оромгоҳ йилга 160-190 кишини қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Жами ер майдони - 9078 м², шу жумладан асосий бинолар ва ишоотлар жойлашган ер майдони - 895 м². Оромгоҳ ҳудудида 11 та бино ва ишоотлар мавжуд.

Тендерда иштирок этиш истаги шарҳнома сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари ва Тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган Тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўдирилган ва имзоланган Ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олинishi мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки

қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан берила ўтказиш лозим:

Валюта рақами: № 20203840500600289001

Ҳисоб рақами: № 20203000600600289001

«Ипак Йўли» АИКБ, Тошкент ш., Фарҳод кўч., 12-А уй

ИНН 201122696, Банк коди 00444,

S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер таклифларини очилиши 2010 йил 2 март куни Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишини сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100003, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй.

Давлат мулки қўмитаси биноси, 8-қават. Тошпулатов Элер Абдухашимович эътиборига, телефон: (+99871) 259-22-55.

Маматов Одижона Абдуғафарович эътиборига, телефон: (+99871) 259-21-90. Факс: (+99871) 259-20-72.

Веб сайт: www.gki.uz

УВЕДОМЛЕНИЕ О ПРОДЛЕНИИ СРОКА ТЕНДЕРА ГОСУДАРСТВЕННОЙ КОМИССИЯ ПО ПРОВЕДЕНИЮ ТЕНДЕРНЫХ ТОРГОВ ПРИ ПРОДАЖЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО ИМУЩЕСТВА ИНОСТРАННЫМ ИНВЕТОРАМ

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-672 от 20 июля 2007 года уведомляет о продлении срока подачи тендерных предложений по ранее объявленному тендеру:

Срок приема тендерных предложений истекает в 12:00 часов дня по Ташкентскому времени 2 марта 2010 года.

Наименование предприятия	Адрес	Реализуемая доля (%)	Стартовая цена (долл. США)	Инвестиционные обязательства (долл. США)	Стоимость тендерной документации (долл. США)
УП «Ферганский завод фурановых соединений»	Ферганская область	100,0	37 000 000,0	2 600 000,0	2 000
СП ООО «IPAK YO'LI – TURIZM INVEST» (гостиница «Dedeman Silk Road Tashkent»)	г.Ташкент	39,0	11 300 000	5 000 000	2 000
СП ООО «Grand Mir» (гостиница «Grand Mir»)	г.Ташкент	35,0	7 808 500	2 800 000	2 000
ОАО «ISSIQLIKQUVVATTA'MIR»	г.Ташкент	25,0	640 000	150 000	100
Детский оздоровительный лагерь «Роҳат»	Бухарская область	100,0	36 000	50 000	100

УП «Ферганский химический завод фурановых соединений» расположен в г. Фергане, Ферганской области, введено в эксплуатацию в 1946 году. Предприятие производит: хлопковую целлюлозу, фуритол-107, фурфуроловый спирт, технический этиловый спирт, фурфурол, буровой реагент ФХЛ-1 и хлопчатобумажную вату.

Гостиница «Dedeman Silk Road Tashkent» расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц Алишера Навои и Амира Темура. Гостиница «Dedeman Silk Road Tashkent» присвоена категория «4 звезды». Гостиница имеет 206 комфортабельных номеров, ресторан, кафе, бар, ночной клуб, также имеются все удобства для проведения конференций и деловых встреч. На территории гостиницы функционирует оздоровительный клуб «Life Style».

Гостиница «Grand Mir» расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц У.Насыра и Кунаева. Гостиница «Grand Mir» присвоена категория «5 звезд». Отель имеет 126 комфортабельных номеров, два ресторана, кафе, бар, оздоровительный клуб, многоцелевые залы для проведения конференций и деловых встреч, вместимостью до 250 человек.

ОАО «ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» расположено в Яккасарайском районе г.Ташкента. Предприятие введено в эксплуатацию в 1997 году. Основным видом деятельности предприятия является строительные работы, капитальный ремонт и строительство внутриквартальных и магистральных теплосетей, общестроительные работы на объектах коммунального хозяйства.

Детский оздоровительный лагерь «Роҳат» расположен в Алатском районе Бухарской области. Введен в эксплуатацию в 1974 году, находится на балансе Отдела сельского и водного хозяйства Алатского района. Рассчитан на прием и обслуживание 160-190 человек в год. Общая площадь 9 078 кв.м, в т.ч. под зданиями и сооружениями - 895 кв.м. На территории имеется 11 зданий и сооружений.

Инвесторы, желающие участвовать в тендере, должны подать соответствующим образом заполненную и подписанную Заявку на уча-

стие и Заявление о соблюдении конфиденциальности.

В этом случае пакет тендерной документации, включающий Информационный меморандум, Правила проведения тендера и Форму тендерного предложения, может быть получен после его оплаты и представления в Госкомимущество Республики Узбекистан заполненной и подписанной Заявки и Заявления о соблюдении конфиденциальности с приложением копии документа, подтверждающего оплату.

Оплату за пакет тендерной документации необходимо перечислить на один из следующих счетов Госкомимущества Республики Узбекистан:

Валютный счёт № 20203840500600289001

Расчётный счёт № 20203000600600289001

в ОПЕРУ АИКБ «Ипак Йўли» 100135, г.Ташкент, ул. Фархадская 12-А

ИНН: 201122696, МФО: 00444 S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Вскрытие пакетов с тендерными предложениями состоится 2 марта 2010 года в 16:00 часов по Ташкентскому времени в зале заседаний Госкомимущества Республики Узбекистан (5 этаж).

Участники тендера или их уполномоченные представители, подавшие тендерные предложения в установленном порядке, вправе принять участие при вскрытии пакетов с тендерными предложениями.

По всем вопросам, относящимся к проведению тендера, просьба обращаться:

В Главное управление Госкомимущества Республики Узбекистан, Республика Узбекистан, г.Ташкент, 100003, проспект Узбекистанский, 55. Звание Госкомимущества, 8-этаж.

Внимание: Тошпулатов Элера Абдухашимовича.

Телефон: +998 (71) 259-22-55.

Внимание: Маматова Одижона Абдуғафаровича.

Телефон: (+99871) 259-21-90. Факс: (+99871) 259-20-72.

Веб сайт: www.gki.uz

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК

Сурхондарё вилоят филиали
очик Талов ва аукцион
савдоларига таклиф этади

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидagi талов савдосига Термиз шаҳри, У.Носир кўчаси, 13-уйда жойлашган «13-ХХАК» акциядорлик жамиятининг бино ва ишоотлари мулкий мажмуа сифатида қўйилди. Талов шарти: энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш ва қисқа муддатда тўлаш, энг юқори инвестиция мажбуриятларини таклиф этиш ва қисқа муддатларда бажариш, Бозор барто этиш.

Бошланғич баҳоси 200 000 000 сўм.

Талабдорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2010 йил 2 март соат 11.00дан бошлаб Термиз шаҳри, Ф.Хужаев кўчаси «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават мажлислар залида бўлиб ўтади. Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Ушбу кунда талов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, тақриррий талов савдоси ва талабдорларнинг таклифлари билдирилган конвертларини очиб 2010 йил 16, 30 март, 13 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Талов савдоларида қатнашини истаган талабдорлар ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларини 2 нусхада топширишлари шарт: талов қатнашчисининг талабномаси; таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижий сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакили бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқланган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); талабдорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; талов савдоси объектига талабдор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланган, муҳрланган тақдим этилиши лозим; закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабдорнинг рекавизитлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; выкатанни вакилнинг таловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Ҳужжатларни шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта қизмати орқали жўнатилиши шунингдек тақдим этилган ҳужжатларнинг барча ырақлари талабдорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

2010 йил 3 март соат 11.00дан бошлаб шу кунни сотилмаган тақдирда 2010 йил 10, 17, 24, 31 март соат 11.00дан бошлаб бошланғич баҳоси олиб бориши тартибидagi Аукцион савдосига Термиз туман, «Хотирабод» ҚФИ, Наврўз маҳалласи ҳудудидан уй-жой қуриш ва ёрламчи хўжаликлар юритиш учун сатҳи 400м² иборат 1 лона ва сатҳи 300м² иборат 1 лона ер майдони қўйилди. Хар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 80000 сўм.

Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Талов ва Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар «Закалат пули» тўридаги келишувни имзолашганидан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 13 фонди микдорига «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Сурхондарё вилоят филиалининг ОАТБ «Капитал банк» Термиз шаҳар филиали МҚФО 01032, ИНН 206761326, 2021000904537599017 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари шарт.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотни олиш манзили: Термиз шаҳри, Ф.Хужаев кўчаси «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават 1-хона. Тел/факс: (8 376) 770-84-01, 224-05-02 Email: info@mulk.uz

«Huquq» газетасининг 2010 йил 7 январь 1-сонидagi эълонда «Respublika Mulk-Auksioni» ДК аукцион савдосига қўйилган давлат рақами 10 В1 276 бўлган «Несис» автотранспорт воситаси ДМҚ Тошкент вилояти бошқармасининг 2010 йил 18 январдаги 18-Д-сонли буйруғига асосан савдолари олинди.

«Huquq» газетасининг 2010 йил 21 январь 3-сонидagi эълонда «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Жиззах филиали аукцион савдосига қўйилган давлат рақами 25,806 ВАА бўлган «Тиво» автотранспорт воситаси ДМҚ Жиззах вилояти бошқармасининг 2010 йил 25 январдаги 10-сонли буйруғига асосан савдолари олинди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ҳамда спиртли маҳсулотларнинг сифатлигини ва истеъмолга яроқлилиги устидан қатъий назорат ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатсиз, сертификатланганга алкогольли маҳсулотларнинг истеъмол бозорига кириб келиши ва сотилишига йўл қўймаслик, савдо ташкилотлари томонидан алкогольли маҳсулотларни чакана сотишнинг белгиланган тартибларига сўзсиз риоя қилиш каби вазифалар белгила берилган. Мазкур қарор савдо ташкилотларининг улгуржи ва чакана савдо қондаларига қатъий риоя этиш борасидаги масъулиятини кучайтирди. Қарорга мувофиқ мамлакатимизда алкогольли маҳсулотлар ҳоқимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан берилган алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари бўлган юридик шахслар томонидан сотилишига ижозат этилган. Спиртли ичимликлар фақат назорат-касса машиналари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган дўконларда, алоҳида савдо заллари орқали сотилиши мумкин. Рухсат гувоҳномаси олиш учун юридик шахсларда муайян миқдорда устив жамғармаси бўлиши зарур. Бундай жам-

ғарнинг миқдори энг кам иш ҳақининг камидан юз карасини ташкил этади. Шуниси ҳам борки, жиҳозланган савдо майдон 25 квадрат метрни ташкил этиши ва кирадиган йўли алоҳида бўлиши, жиҳозланган савдо зали фақатгина алкогольли маҳсулотни сотиш учун мўлжалланган бўлмоғи керак. Бундай савдо жойлари ўқув муассасалари, мактабга ва диний муассасалардан камидан 500 метр узоқда бўлиши лозим. Уларнинг жамоат транспорти тўхташ жойларида, шу жумладан, метрополитен бекатлари ёнида, жамоат жойларида ва аҳолининг дам олиш жойларида, давлат-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудларида, аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларга тўташ йўлларда фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди. Алкоголли маҳсулот билан чакана савдо қилувчи юридик шахсада ҳимояланган физикал хотирани назорат-касса машиналари бўлиши лозим. Ана шу талабларнинг барчаси қарорда қайл этилган бўлиб, алкогольли маҳсулотларнинг чакана савдоси билан машғул юридик шахслар томонидан бугунги кунда унинг ижроси тўлиқ bajarилмоқда. Эндиликда савдо расталарида акциз маркази билан марказланган алкогольли маҳсулотлар сотилмоқда, уларнинг сифати стандартларнинг мажбурий талаблари ва техник шартларига мувофиқдир. Сотувчилар ҳам маҳсулотни савдо залига чиқаришдан аввал ташқи маълумотларига қараб унинг сифатини обдан текшириб, сўнг чиқармоқдалар. Мувофиқлик сертификатини эса харидорнинг биринчи талаби биланроқ кўрсатмоқдалар. Буларнинг барчаси эса истеъмолчилар манфаатлари ҳимояси кучли эътиборда эканлигидан далолатдир.

Аммо амалда оширилганга қарамай, одамлар соғлигига зарар етказувчи сифатсиз маҳсулотни муомалага қилиш ёки яширинча тайёрлаш ҳолатларини батамом барҳам топтиришга муваффақ бўлинганча йўқ, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан республикамизга айланма йўллар орқали ноқонуний равишда этил спирти ва акциз марказис алкогольли маҳсулотларнинг олиб келиниши, яширин йўллар билан ишлаб чиқарилиши ва сотилишига барҳам бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009 йил давомида бу борада 364 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан 813,9 млн. сўмлик этил спирти ва бошқа алкогольли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган. Ушбу йўналишда асосий эътибор этил спирти ва алкогольли маҳсулотларни четдан ноқонуний олиб кириш ва муомалага қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган.

Ўтказилган тазор тадбирлар натижасида мўмай даромад орттиришни мақсад қилиб, қонун ва қарорларнинг талабларига зид равишда фаолият юритаётган кимсаларга дуч келинмоқда. Хусусан, Хонқа туманида фуқаро А.Қўчқорова белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан савдо дўкони очиб, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган жами 5,2 млн. сўмлик 16 турдаги спиртли ичимликлар билан ноқонуний равишда савдо

қилаётганлиги аниқланиб, маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинган. Худди шу каби ҳолат Нишон туманида ҳам қайл этилди. Фуқаролар Г.Тошова ва С.Ражабовлар ҳам ўзаро тил бириктириб, республикамизда ишлаб чиқарилган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган 1577 шиша спиртли ичимликларини харидорга 3,6 млн. сўмга сотаётган вақтида ушланиб, спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олинган.

Айрим удабурунлар эндиликда ноқонуний маҳсулотни турғун савдо расталарида эмас, хонадонларда харидорга тақдим этмоқдалар. Бунга Тошлоқ туманида яшовчи фуқаро А.Асронунинг фаолияти мисолдир. У истиқомат қилаётган уйда чет элдан ишлаб чиқарилган ва келиб чиқиш ҳужжатлари мавжуд бўлмаган жами 2,5 сўмлик спиртли ичимликлар савдосини авж олдириган бир пайта унинг қонунга зид бўлган хатти-ҳаракатига чек қўйилди.

Ғаллаорол туманида ўтказилган тадбирда фуқаролар А.Эшонқулов, Ф.Назаров, Х.Турдиев ва С.Турабековлар ўзаро тил бириктириб, ноқонуний равишда фуқаро А.Эшонқуловнинг бошқарувидаги "Нексия" русумли автомобилнасига юкланган, чет элдан ишлаб чиқарилган ва келиб чиқиш ҳужжатлари бўлмаган жами 4,5 млн. сўмлик этил спиртини сотиш мақсадида олдиди кетаётганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган. Андижон шаҳрида фуқаро О.Рустамов чет элдан ишлаб чиқарилган ва ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 2,1 млн. сўмлик спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганда ушланиб, Департамент ходимлари томонидан яроқсиз спиртли маҳсулотларни муомаласининг олдини олиш, уларнинг ички бозорга қилинишига йўл қўймаслик, истеъмолчи-

лар ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ўтказилган ана шундай тадбирларда спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг савдо белгиси остида алкогольли маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ноқонуний муомалага қилиш ҳолатлари аниқланмоқда. Ўтказилган тазор тадбирлар давомида спиртли ичимликларни яширин ишлаб чиқариш билан шугулланувчи 105 та цехлар фўш этилган, улардан 92,7 млн. сўмлик этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ҳамда махсус ускуналар олиб қўйилган.

Жумладан, Миробод туманида М.Усмонов ва М.Мирсолиқовлар яширин равишда ишлаб чиқарган спиртли ичимликларни фуқаро Т.Жўраев ноқонуний равишда сотаётган вақтида ушланди. Улардан

ун чакана савдо шартларини бажармай, ўз хонадонидан алкогольли маҳсулот савдосини ташкил этган экан. Департамент ходимлари С.Аметовнинг хонадонидан қўлбола усулда тайёрланган спиртли ичимликлар, 500 дона қалбаки акциз марказлари, 600 дона қоқоқлар ва 500 дона целлофан пиллофлар топилди. Унда маҳсулот сертификатлари ҳам, савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат ҳужжатлари ҳам йўқ эди.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Ҳамза тумани, Оқдарё кўчасида ўтказган рейд тадбирида фуқаролар Абдумўмин Камолов, Исмоил Нурматов, Фарҳод Саидовлар ўзаро жиноий тил бириктиришиб, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан, яширин цех ташкил этиб, алкогольли маҳсулотларнинг қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариши ва сотиш билан шугулланаётганликлари маълум бўлди. Яширин цех қўздан кечирилганда у ерда 180 литр спирт, 141 дона акциз марказлари, 675 дона "Тошкент", "Хлебная" номли ароқларнинг этикеткалари, шунингдек 2000 донага яқин ароқ ёпишга мўлжалланган ҳар хил турдаги қоқоқлар ва бошқа ускуналар борлиги аниқланди, улар далилий ашё сифатида олинди. Хавфли алкогольли маҳсулотни яширинча ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўшқа қонунбузилишлардан фарқли равишда истеъмолчиларга ҳам, давлатга ҳам зарар келтирди. Таассуфки, фуқаролар Абдумўмин Камо-

лов ва Исмоил Нурматовларнинг берган кўрсатмаларига қўра улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини турли савдо дўконларига чиқаришган экан. Хусусан, уларнинг берган маълумотларига асосан Авлиқозлар бозори ёнида жойлашган "Тоғмаҳал қурилиш савдо сервис" хусусий корхонасига қарашли савдо дўконидан 4 турдаги 87 дона, Чкалов метро бекати ёнида жойлашган "Ликт стар вега" МЧЖга қарашли савдо дўконидан 5 турдаги 45 дона, шунингдек Чкалов метро бекати ёнида жойлашган кафебарда норасмий фаолият олиб борувчи фуқаро Саидовдан 8 турдаги 32 дона, жами 157 дона Абдумўмин Камоловнинг яширин цехида тайёрланган алкоголь маҳсулотларини сотува қўйилганлиги аниқланиб, улар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, махсус рухсатномасиз ва ҳисобга олинмаган алкогольли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳолатлари барҳам беришга қаратилган тадбирларда ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Чунонинг, Термиз шаҳридаги "Покиза" ХК мансабдор шахслари ва корхонага қарашли 2-сон савдо дўкони сотувчиси Г.Бойматова билан ўзаро тил бириктириб, спиртли ичимликлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномасиз 61,9 млн. сўмлик спиртли ичимликлар ҳамда савдо дўконида тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган чет элдан ишлаб чиқарилган 1,1 млн. сўмлик ва республикамизда ишлаб чиқарилган 17,8 млн. сўмлик спиртли ичимликларни савдога қўйганлиги аниқланди. Қарши

ЎЗГАРЛАР СОҒЛИҒИ ЭВАЗИГА БОЙЛИКМИ?..

шаҳридаги "Фаввора универсал маркет" хусусий фирмаси раҳбари Ж.Раҳматов кирим ҳужжатлари бўлмаган жами 3 млн. сўмлик 937 шиша спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганда ушланди. Фуқаро И.Аҳмедов ҳам ноқонуний равишда чет элдан ишлаб чиқарилган ва келиб чиқиш ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, жами 3,1 млн. сўмлик спиртли ичимликлар билан, Ангор туманидаги "Зумрат" хусусий дўкони раҳбари К.Ҳайдаров 14,4 млн. сўмлик истеъмолга яроқсиз бўлган 7246 шиша спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганда ушланиб, уларнинг қонунга зид бўлган фаолиятига чек қўйилди.

Қонунларга чоп бериб, ўзгалар саломатлигини жиждий ҳафза остига солиш эвазига бойлик орттирмоқчи бўлган юқорида номлари зикр этиб этилган кимсаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Ўз навбатида шунинг таъкидлаш керакки, қўлбола спиртли ичимликлар ишлаб чиқараётган ва уларни муомалага қилиётган сохта тадбиркорларнинг фаолиятини тўхтатиш, қилмишларини фош қилиш нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг, балки барча фуқароларнинг бурчига айланмоқчи шарт. Ақс ҳолда бундан қўнчилик азият чекиши турган гап.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаментининг
матбуот гуруҳи бошлиғи

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Зокиржон Ибрагимовга ораси
Мукамбархон опанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mu-
alliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib bosilgan «HUQUQ»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi - 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma № 8669. 23 772 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi dizayner: S. BOBONOV
Navbatchi muharrir: G. H. JOYBOYEVA
Musahihah: A. MUSTAFOYEVA
Navbatchi: O. DEHQONOV

Gazeta O'zbekiston nashriyat matbaa jodiy uvida chop etildi.
Korxonona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirishi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda